

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 22-23-сон ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (106-107) ТҮПЛАМИ 2004 й. июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

259. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 4 июндаги ПФ-3441-сон Фармони

Учинчи бўлим

260. «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарори

261. «Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юкори даромадига солик солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 июндаги 252-сон қарори

262. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 июндаги 257-сон қарори

263. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 262-сон қарори [Кўчирма]
264. «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 июндаги 263-сон қарори
265. «Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислоҳотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори
266. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 269-сон қарори
267. «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июндаги 272-сон қарори

Бешинчи бўлим

268. «Давлат эҳтиёжлар учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 28 апрелдаги 111-В-3, 56-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 июнда 653-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
269. «Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тартиби тўғрисидаги вактинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 марта 24, 01/24-15, 53, 948, 283-01, 42-01/142-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 июнда 1367-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
270. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 17 апрелдаги 222-В-1, 69, 2004-32-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 июнда 1165-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
271. «Кимошди савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги вактинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ёғ-мой ва

озиқ-овқат саноати уюшмаси, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси-нинг 2004 йил 6 майдаги 32, 01/24-30, 61, 4-1-167, 42-01/245-сон қарори.
(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 7 июнда
1368-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 29 майдан 10 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

259 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги Қонунига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуийидаги фармонларига ўзгартишлар киритилсан:

1. «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармонига:

4-баннадаги «Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

Фармон 1-иловаси 34-бандининг ўнинчи хатбошидаги «Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитасининг, ички қўшинлар» ҳамда «прапоршчиклари, мичманлари ва» сўзлари чиқариб ташлансан, «муддатга қўшимча хизмат қилаётган» деган сўзлар эса «контракт бўйича хизмат қилаётган» сўзлари билан алмаштирилсан;

Фармон 1-иловаси 34-бандининг ўн иккинчи хатбошидаги «прапоршчиклар, мичманлар» ва «Давлат чегараларини химоя қилиш қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансан.

2. «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони иловасига:

II бўлимдаги 6-банд чиқариб ташлансан;

7—11-бандлар тегишли равища 6—10-бандлар деб ҳисоблансан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш..
2004 йил 4 июнь,
ПФ-3441-сон

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

260 Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Товарларни улгуржи сотишнинг бозор методларини кенгайтириш, товар-хом ашё биржалари фаолиятини замонавий талабларга мувофиқ тубдан яхшилаш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига нарх белгилашнинг бозор механизмини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Белгилаб қўйилсинки:

биржа товарларини электрон тизимдан фойдаланган ҳолда республиканинг бутун худуди бўйича аниқ вакт режимида — биржа савдолари;

ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарларни — ким ошди савдолари;

товарларни, харидор томонидан товар олдиндан мажбурий кўздан кечирилишини ҳисобга олган ҳолда, биржаларнинг ихтисослаштирилган савдо майдончалирида, улар томонидан тасдиқланадиган қоидаларга биноан кўргазма-ярмарка савдолари натижаларига кўра товар-хом ашё биржалари орқали улгуржи сотиш биржа битишувлари тузиш воситасида амалга оширилади.

2. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари қурилиш материаллари сотиладиган ихтисослаштирилган бозорларда:

биржалар томонидан қурилиш материалларининг кўргазма-ярмарка улгуржи савдосини ташкил этиш учун бепул асосда майдонлар ва хоналар;

товар-хом ашё биржалари аъзоларига — кўргазма-ярмарка савдоларида сотишга мўлжалланган товарларни сақлаш учун ижара шартларида майдонлар ва хоналар ажратсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

курилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорларида улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи бозор маъмурияти томонидан фақат товар-хом ашё биржаларининг расмий аъзоларига, уларда улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан тегишли рухсатнома хужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда берилади;

товар-хом ашё биржалари аъзолари томонидан импорт бўйича келтирилган ҳамда сотиш учун мўлжалланган қурилиш материаллари намуналари ва гурухларини сочувга қўйиш факат уларнинг республика ҳудудига белгиланган тартибда конуний келтирилганлигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши мумкин;

ихтисослаштирилган бозорларнинг кўргазма-ярмарка савдосини ташкил этиш учун майдонлар ва хоналар бериш бўйича харажатлари бозорлар даромадлари ҳисобига қопланади;

товар-хом ашё биржаларининг кўргазма-ярмарка савдоси ташкил этишга харожатлари сотувчилардан уларнинг ҳисоб рақамига маблағлар тушишига қараб ҳар куни тўланадиган, битишувлар суммасидан олинадиган воситачилик йифими ҳисоб

бига, шунингдек кўргазма-ярмарка савдоси қатнашчиларига кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (реклама, ахборот, консультация ва шу кабилар) ҳисобига қопланади.

4. Товар-хом ашё биржаларига:

биржа товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотувга қўйиш учун бепул асосда брокерлик ўринлари бериш;

товарларнинг кўргазма-ярмарка савdosини ташкил этиш учун, шу жумладан курилиш материаллари ихтисослаштирилган бозорлари худудларида уларнинг кўргазма-ярмарка савdosини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган савдо майдонлари ташкил этиш ва уларни техника билан жихозлаш;

биржа аъзоларини биржа, кимошди ва кўргазма-ярмарка савдолари қоидалари га касб бўйича ўқитиши ташкил қилиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки:

биржа котировкалари ва кимошди савдоси нархлари ихтисослаштирилган оммавий ахборот воситаларида ҳар хафтада камида бир марта бепул асосда эълон қилинади;

товар-хом ашё биржалари аъзолари улар томонидан кўргазма-ярмарка савдоларида сотиладиган товарлар нархларини оммавий равишда эълон қилишлари шарт.

Маълумот учун кабул қилинсанки, монополист корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни биржа (кимошди) савдоларида Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турлари ни сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ сотадилар.

6. 2004 йил 1 июндан бошлаб биржа фаолиятини амалга оширишда қўшимча равишда куйидаги лицензия талаблари ва шартлари жорий этилсин:

биржа савдоларида фақат олдиндан эълон қилинадиган, маҳсулотлар истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари кенг кўламда фойдаланадиган биржа ахборотномасига киритилган товарларни сотиш, айни бир вақтда олдиндан эълон қилинган листингларга киритилмаган товарларни сотиш тақиқланади;

биржа ахборотномаларига факат бир хил стандарт хоссаларга эга бўлган, ултуржи гурухлар билан сотиладиган ва олдиндан кўздан кечиришни талаб килмайдиган биржа товарларини киритиш;

биржада сотилган (бепул берилган) камида 100 та брокерлик ўринлари мавжуд бўлиши;

товар-хом ашё биржалари раҳбарларига қўйиладиган малака талабларига риоя қилиши.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

икки ҳафта муддатда товар-хом ашё биржалари билан лицензия битимларини қайтадан тузсин, бунда лицензия битимларига ушбу қарорда белгиланган лицензия талаблари ва шартлари киритилишини назарда тутсин;

бошқарув раисига, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси раҳбарига ҳамда биржаларнинг бош маклёрига қўйиладиган малака талабларини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин ҳамда уларни аттестациядан ўтказсин;

биржа битишувларида қатнашувчи биржалар аъзоларини уч ой муддатда, белгиланган тартибда аттестациядан ўтказсин;

барча оммавий ахборот воситаларида кенг реклама компаниясини ва тушунтириш ишларини, шунингдек потенциал сотувчилар, харидорлар, биржалар аъзолари ўртасида товарларни биржа савдоларида сотиш ва харид қилиш қоидалари ва афзалликлари бўйича мақсадли семинарлар ва давра сухбатлари ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

брокерлар ва брокерлик идоралари фаолиятини моддий рафбатлантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда жорий қилсинлар, бунда воситачилик йигимларининг зарур малака сифатига, брокерлик фаолиятини юритиш тажрибасига эга бўлган брокерларнинг юкори даромад олишини таъминловчи ҳамда биржа савдолари товар айланмасига қараб чекланган микдорлари белгиланишини назарда тутсинлар;

биржа битишувларидан ундириладиган биржалар воситачилик йигимлари чекланган микдорларининг декларация қилинишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги биржалар ва уларнинг аъзолари томонидан воситачилик йигимларининг чекланган микдорларига риоя этилишини назорат қилсинлар.

9. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг ходимларнинг чекланган умумий сони 127 нафар бўлган 1-иловага мувофиқ ташкилий тузилмаси маъкуллансин.

10. Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси даромад (фойда) солиғи тўлашдан уч йил муддатга истисно тариқасида озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар ягона электрон савдо тизими техника ва технология дастурий комплексини замонавийлаштиришга мақсадли йўналтирилсин.

11. Хукуматнинг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритисин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 май,
251-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 31 майдаги 251-сон карорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» акциядорлик жамиятининг
ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 31 майдаги 251-сон карорига
2-ИЛОВА

Хукуматнинг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Махкамасининг «Улгуржи ва биржа савдосини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 1 майдаги 198-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 5-сон, 24-модда) 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «фоизиз қайтариш асосида» сўзлари чиқариб ташлансин, «сарфланган маблағлар 5 йил мобайнида қайтарилади» сўзлари «ажратилган маблағлар хисобига Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси ҳудудий филиалларининг бинолари Давлат мулки қўмитасига берилади» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари:

а) қуйидаги мазмундаги XV бўлим билан тўлдирилсан:

«XV. Курилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорларида товарларни сотишга талаблар

68. Таъмирлаш (пардозлаш) ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган қўшимча материаллар қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорларида сотиладиган товарларнинг асосий турлари хисобланади.

69. Курилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорларида улгуржи нархлари декларация қилинганилиги ёки уларнинг биржа савдоларида сотиб олинганилиги тўғрисидаги хужжатлар мавжуд бўлганда товарларни улгуржи гурухлар билан сотишга йўл қўйилади.

70. Курилиш материалларини чакана сотиш:

юридик шахслар ва якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан — назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланган ҳамда белгиланган тартиба банк муассасаларига нақд тушумни ҳар куни топширган ҳолда;

жиҳозланган савдо ўринларида якка тартиbdаги тадбиркорлар томонидан — Даромадлар ва товар операцияларини хисобга олиш дафтарини мажбурий юритган ҳамда нақд тушумни банк муассасаларига ҳар куни топширган ҳолда амалга оширилади.

71. Курилиш материалларини сотишда, сотувчи томонидан харидор номига сотилган товарнинг номи, миқдори, суммаси қўрсатилган юк хати ёзиб берилади ва конун хужжатларига мувофиқ назорат-касса машинаси чеки ёки товар чеки берилади.

72. Курилиш материалларининг ихтисослаштирилган бозорида рухсат гувоҳномасисиз ёхуд унинг амал қилиш муддати тўхтатиб турилган ёки у қайтариб олингандарда савдо фаолиятини амалга ошириш фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш деб хисобланади ва конун хужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.

73. Курилиш материалларини ихтисослаштирилган бозор ҳудудидаги ажратил-

ган жойлардан ва қурилиш материаллари дўконларидан ташқарида сотишга йўл қўйилмайди.

74. Бозор маъмурияти қуидагиларга мажбур:

социувчан қурилиш товарларининг айрим турларини автомобилдан сотиш учун маҳсус майдончалар ташкил килиш;

брокерлар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш ва биржада битимлар тузиш учун алоқа воситалари, компьютер ва мебеллар билан жихозланган хона ажратиш;

биржадан олинган маълумотлар асосида ҳар кунги биржа савдолари натижалари бўйича шаклланаётган нархлар (котировкалар) тўғрисида харидорлар ва сотувчиларни хабардор қилиш.»;

б) XV бўлим XVI бўлим деб ҳисоблансин;

в) 68—72-бандлар тегишли равишида 75—80-бандлар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

261 Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш тўғрисида

Минерал-хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш, юқори ликвидли маҳсулотларга жаҳон нархлари қулай конъюнктураси шароитларида саноатнинг кон қазиш тармоқлари корхоналарини рабботлантириш механизмини такомиллаштириш, олинган юқори даромадни мақбул равишида тақсимлаш, шунингдек Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 2004 йил 1 июндан бошлаб саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш жорий этилсин.

Белгилансинки, юқори даромади учун солиқ тўлайдиган аниқ корхоналар рўйхати, шунингдек солиқ ставкалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда киритадиган таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти 2004 йил 1 июндан бошлаб миснинг жаҳон нархларига караб ундириладиган юқори даромади учун солиқ тўловчи ҳисобланади;

бир тонна мис нархи 1,9 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлганда олинган суммадан юқори даромад солиғи тўлангандан кейин комбинат ихтиёрида қоладиган маблағлар, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мақсадли фойдаланиш учун «Олмалиқ кон-металлургия комбинати»нинг ваколатли банкдаги маҳсус рақамида жамланади;

маҳсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган тақдирда ушбу маблағлар тўлиқ хажмда, қонун хужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланган холда давлат бюджетига олиб қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг юқори даромадини хисоблаб чиқариш ва ундириш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсанлар ва тасдиқласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва иодалар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чикувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 1 июнь,
252-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 июндаги 252-сон қарорига
ИЛОВА

**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик
жамиятининг юқори даромади учун солиқ ставкалари**

Солиқ солинадиган база миқдори	Солиқ ставкаси
Бир тонна мис нархи 1901 АҚШ долларидан 2100 АҚШ долларигача бўлганда	30 фоиз
Бир тонна мис нархи 2101 АҚШ доллари ва ундан юқори бўлганда	50 фоиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**262 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 марта 148-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

а) 1-банднинг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмасига оид иккинчи хатбоши ҳамда 1-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

б) 2-илова куйидаги мазмундаги 30-банд билан тўлдирилсан:

«30. Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази»;

в) 5-иловада:

6-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсан:

«қишлоқ хўжалигида ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш, ўсимликлар касалликларининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига, бегона ўтларга ва чигирткага қарши курашиб бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш»;

7-банд куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсан:

«комплекс тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади, зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар тарқалиши имкониятларини ўрганади ва прогнозлаштиради, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, стимуляторлар билан таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ахолини методик таъминлашни, шартнома асосида қишлоқ хўжалигига агрокимё хизматлари кўрсатиш ишлари бажарилишини ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зааркунандаларини қириб ташланинг илмий асосланган тадбирлари ўтказилишини ташкил этади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади».

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 4 июнь,
257-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 4 июндаги 257-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

263 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсун.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 июнь,
262-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 7 июндаги 262-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (II босқич) учун Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 июлдаги 331-сон қарорининг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Белгилансинки, Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш ва уни узиш ҳамда ундан фойдаланганлик учун фоизлар билан боғлиқ 1-иловага мувофиқ сарф-харажатлар, шунингдек Кредит битими бўйича бериладиган карз ҳажмидан ошадиган ҳар қандай молиявий харажатлар:

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясинынг телекоммуникациялар корхоналари томонидан уларнинг ўз маблағлари хисобига;

Радиоалоқа, радиоэшилтириш ва телевидение маркази томонидан ўз маблағлари хисобига, шу жумладан «Ўзтелерадио» компаниясига ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари хисобига, кўрсатиб ўтилган харажатлар «Ўзтелерадио» компанияси учун алоқа хизматлари тарифларига киритилмасдан амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент телеминорасининг узатувчи радиотелевизион комплексини замонавийлаштириш ва ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 ноябрдаги 440-сон қарорининг 3-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, асосий қарзни, фоизларни, воситачилик ҳақини ва жалб этилаётган кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа харажатларни қайташиб иловага мувофиқ Радиоалоқа, радиоэшилтириш ва телевидение маркази томонидан унинг ўз маблағлари хисобига, шу жумладан «Ўзтелерадио» компаниясига ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари хисобига, кўрсатиб ўтилган харажатлар «Ўзтелерадио» компанияси учун алоқа хизматлари тарифларига киритилмасдан, амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

264 Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси-ни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Маблағлар жамланишини таъминлаш, мактабларни тиклаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар билан жиҳозлаш ишларини ўз вактида молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони билан бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бюджет маблағларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни уларни кейинчалик улардан 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришда мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузиб ташла-надиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни мукаммал реконс-трукция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомла-ри билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

Жамғарма маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амал-га ошириш учун қатъий мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бори-лишини таъминлаш.

2. Қўйидагилар:

бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини бошқариш кенгаши тар-киби 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати ходимлари сонини қўшимча кўпайтириш ҳисобига, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 10 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шаклланти-риш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлан-син.

3. Белгилансинки, қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилган бюджет маблағлари;

маҳаллий бюджетларнинг соликлар ва ўйнимлар бўйича прогноздан ортиқча тушумларни жалб этишдан олинган маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;

Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган да-ромадлар;

* 1-илова берилмайди.

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари Жамғарманинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамида жамланади ҳамда худудий молия органларининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамлари бўйича тақсимланади;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан фоизлар сифатида олинадиган даромадларга даромад (фойда) солиғи солинмайди.

4. Жамғармани бошқариш кенгаси:

хорижий инвестициялар, грантлар ва ҳомийлик маблағларини жалб этишда Жамғармага қўмаклашсин;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат ташкилотларини, нодавлат ташкилотларни ва жамоат ташкилотларини жалб этсин;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларини тасдиқласин;

Ижро этувчи дирекция фаолияти, айниқса даромадлар манбаларини шакллантириш, ўз вақтида молиялаштириш ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишга доир фаолияти устидан назоратни амалга оширсин.

5. Кўйидагилар Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг асосий вазифалари ҳисоблансан:

Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ва унинг бажарилиши тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

молия органлари, ҳалқ таълими органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларининг Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга оширишга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Дастурда ҳар йили асосий бўлимлар (бузуб ташланадиган мактаблар ўрнига янгиарини қуриш, мактабларни мукаммал реконструкция килиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникиси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш) бўйича назарда тутилган тадбирларга Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларини даромадлар манбалари билан боғлиқ ҳолда белгилаш;

Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли (йўналишлар бўйича) ва самарали фойдаланилишини таъминлаш.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ижтимоий масалаларга мутасадди ўринbosари зиммасига юклансин.

6. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармаси тузилмасида ходимлар сони 4 нафар бўлган Мактаб таълими, Мактаб таълимими ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши мониторинги ва назорати бўлими ташкил этилсан, Молия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг тасдиқланган сони тегишли равишда кўпайтирилсан;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар молия бошқармалари тузилмасида ходимларининг белгиланган сони доирасида Мактаб таълими шўъбалари ташкил этилсан.

7. Умумтаълим мактаблари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) мувофиқ ташкил этилган бюджет ташкилотларини ривожлантириш

жамғармалари маблағларидан Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун фойдаланишга рухсат этилсин.

Умумтаълим мактаблари учун Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдағи 414-сон қарорининг 4-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал килиш муддати 2010 йил 1 январгача узайтирилсін.

Умумтаълим мактабларининг бюджетдан ташқари даромадлари давлат мақсады жамғармаларига — бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлардан 2010 йил 1 январгача озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2005 йилдан бошлаб Инвестиция дастурида Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган ҳажмларда умумтаълим мактабларини куриш ва мукаммал реконструкция қилиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобига марказлаштирилган ресурсларни назарда тутсингар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилдан бошлаб ва кейинги йилларда Давлат бюджети параметрларида Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ тадбирларни бажаришга зарур маблағларни, ушбу мақсадлар учун жалб қилинаётган хорижий инвестициялар, грантлар ва ҳомийлик маблағларини ҳисобга олган холда, алоҳида сатрда назарда тутсингар.

10. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар хокимлеклари Жамғарма ресурсларини шакллантиришда кенг кўламда кўмак ва ҳар томонлама ёрдам берсингар.

Ҳомийларнинг Дастурни рўёбга чиқаришдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ ҳам пул шаклида, ҳам товарлар, ишлар ва хизматлар тарзида амалга оширилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига, бошқа оммавий ахборот восита-ларига Жамғарма фаолиятини кенг ёритиш, мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг моддий базасини ривожлантиришдаги ижобий иш тажрибасини тарғиб қилиш, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийларининг ахборот жиҳатидан қўллаб-куватланишини, шу жумладан реклама қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 июнь,
263-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 7 июнданги 263-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси Ижро этувчи
дирекциясининг тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 10 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 7 июнданги 263-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) фаолиятининг мақсади ва асосий вазифаларини, Жамғармани бошқариш тартибини, унинг маблағларини шакллантириш манбаларини ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонига мувофиқ 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) амалга ошириш мақсадида ташкил этилган.

Жамғарма маблағларни Жамғарманинг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамларида жамлаш учун ташкил этилади.

3. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, юридик шахслар, шу жумладан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат жамғармалари, вазирликлар, идоралар, хорижий молия ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар Жамғарма маблағларини шакллантиришда ихтиёрийлик асосида қатнашишлари мумкин.

II. Жамғарманинг мақсади ва асосий вазифалари

4. Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга ошириш, шунингдек умумтаълим мактабларига уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича маблағлар жалб этиш юзасидан қўшимча имкониятлар бериш учун молиявий ва моддий ресурсларни, Давлат бюджети, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва институтлар маблағларини жамлаш Жамғармани ташкил этишнинг мақсади ҳисобланади.

5. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

бюджет маблағларини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик маблағларини, хорижий кредитлар ва грантларни уларни кейинчалик улардан 2004—2009 йилларда Мактаб таълимими ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини рўёбга чиқаришга мақсадли фойдаланиш учун жамлаш;

Мактаб таълимими ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузилган мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш, мактабларни мукаммал реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

Жамғарма маблағларидан Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун қатъий мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминлаш;

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари билан биргаликда мактабларнинг моддий-техника базаси ҳолатини мунтазам асосда доимий ўрганишни ҳамда унинг мониторингини ташкил этиш;

Жамғарма маблағлари тушиши ва сарфланишининг ҳар йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш.

6. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий функциялари ҳисобланади:

Дастурда назарда тутилган бузилган мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш, мактабларни мукаммал реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш ҳажмларини молиялаштириш;

манбалар бўйича даромадларнинг ягона ҳисобини ҳамда Жамғарма маблағларидан йўналишлар бўйича фойдаланиш ҳисоботини таъминлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини молиявий назорат қилиш.

III. Жамғармани бошқариш

7. Жамғармани бошқариш кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади, унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томо-

нидан тасдиқланади. Бошқарув кенгаши мажлислари заруриятга кўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш қарорлари одий кўпчилик овоз билан қабул қилинади, овозлар teng бўлиб қолганда эса — бошқарув кенгаши раисининг овози ҳал қиливчи хисобланади.

8. Кўйидагилар Жамғарма бошқарув кенгашининг асосий вазифалари хисобланади:

умумтаълим мактабларини ривожлантиришга тизимли ёндошувни таъминлайдиган Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлат, но давлат, жамоат ташкилотлари ва хорижий институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Жамғарманинг даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатлари (йўналишлар бўйича) йиллик прогнозларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

барча манбалар хисобига Жамғарма даромадларини шакллантиришда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга кўмаклашиш;

Жамғарма, Ижро этувчи дирекция фаолиятини ва унинг маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

9. Жамғармани жорий бошқариш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Кўйидагилар Ижро этувчи дирекциянинг асосий функциялари хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Иктисодиёт вазирлиги билан биргаликда Жамғарма маблағларидан уларни ҳар қайси йил бўйича тақсимлаган ҳолда бузилган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни муқаммал реконструкция қилиш, муқаммал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебеллар, спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун Мактаб таълимини ривожлантириш дастурiga мувофиқ даромадлар манбалари ва худудлар бўйича фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнози лойиҳасини ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги хисоботни тайёрлаш;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг минтақалар бўйича тақсимланишини тартибга солиш;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, шунингдек молия органлари, халқ таълими органлари, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг Дастурни амалга оширишга йўналтирилган биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

IV. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва жамлаш тартиби

10. Жамғарма маблағлари қўйидаги манбалар хисобига шакллантирилади:

Давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилган бюджет маблағлари (шу жумладан Давлат бюджетини ишлаб чиқиша ҳар йили назарда тутиладиган ставкалар бўйича махсус солик тарзидаги тушумлар);

маҳаллий бюджетларнинг соликлар ва йигимлар бўйича прогноздан ортиқча тушумларни жалб қилишдан олинадиган маблағлари;

халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва кредитлари;

Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ёрдами;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблавларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

11. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг руҳсати бўйича маҳаллий молия органлари томонидан очиладиган «Мактаб таълими жамғармаси маблағлари» махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва маҳаллий молия органлари Ижро этувчи дирекция томонидан берилган ваколатлар доирасида Жамғарма ҳисоб рақамларини бошқариши амалга оширадилар.

V. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

13. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш «Бюджет тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунига ва ушбу Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш билан боғлик холда амалга оширилади.

14. Ижро этувчи дирекция ҳар йили навбатдаги йил учун:

Давлат солик қўмитаси билан биргаликда Жамғармага ҳар йили Давлат бюджетини ишлаб чиқиша назарда тутиладиган ставкалар бўйича солик тарзида тушумлар, шунингдек бошқа бюджет манбалари прогнозини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда бюджетдан ташқари манбалардан, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва кредитларини, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёрдамини жалб этишдан тушумлар прогнозларини тайёрлайди.

15. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг бюджет ва бюджетдан ташқари даромадлари прогнози асосида 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ва Халқ таълими вазирлигига Жамғарма харажатлари лимитларини кейинги йил учун бюджет ва бюджетдан ташқари манбаларга таксимлаган холда етказади.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 1 июлгача Ижро этувчи дирекцияга Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри бўйича харажатларнинг барча асосий йўналишлари бўйича кейинги йил учун Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этади.

17. Жамғарманинг кейинги йил учун даромадлари ва харажатлари прогнозлари Ижро этувчи дирекция томонидан Жамғармани бошқариш кенгашига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади.

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик прогнозлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 кундан ошмайдиган муддатда Жамғармани бошқариш кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик параметрлари тасдиқлангандан кейин Ижро этувчи дирекция 5 кун мобайнода харажатларнинг йил чораги бўйича таксимотини Жамғарма маблағларини олувчиларга (Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмалари ва жойлардаги ягона буюртмачи хизматига) етказади.

18. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик прогнозлари Жамғармани бошқариш кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин 30 кун мобайнода Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмалари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларга бўлган холда харажатлар сметасини (курилиш ва мукаммал реконс-

трукция қилиш харажатларидан ташқари) ишлаб чиқадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва жойлардаги тегишли молия органларига рўйхатдан ўтказиш учун киритадилар.

19. Агар маблағлар ҳомийлар ёки грант берувчи томонидан Жамғармага улардан фойланишнинг жамғарма мақсади ва вазифаларига зид бўлмаган мақсадлари ва шартлари кўрсатилган ҳолда тақдим этилса, у ҳолда ушбу маблағлардан ҳомийлар ёки грант берувчилар кўрсатмаларига мувофиқ фойдаланиши керак.

20. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг бўш маблағларини:

давлат қисқа муддатли пул мажбуриятларига;
тижорат банкларидағи депозитларга жойлаштиришга ҳақлидир.

Бундай жойлаштириш натижасида олинган даромадлар Жамғарманинг тегишли хисоб рақамларига ўтказилади.

VI. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

21. Жамғарма маблағлари қўйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидаги Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамларидан Мактаб таълимими ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар прогнозидан келиб чиқиб қўйи бюджетларга мақсадли субвенцияларга;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамларидан:

намунавий лойиҳалардан фойдаланилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда фақат тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуришни, мактабларни мукаммал реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлашни молиялаштиришга;

мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашга;

парталар ва мактаб мебеллари сотиб олишга;
мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлашга;
қўйи бюджетларга мақсадли субвенцияларга;

в) туманлар ва шаҳарлардаги Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамларидан умумтаълим мактабларини жорий таъмирлашга сарфланади.

22. Умумтаълим мактабларига Вазирлар Махкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармалари маблағларидан Дастурни амалга оширишда фойдаланишга рухсат берилади.

23. Жамғарма маблағларидан:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида;

туманлар ва шаҳарлар халқ таълими бўлимлари томонидан — туманлар ва шаҳарлар молия бўлимлари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ягона буюртмачи хизматлари томонидан танлов савдолари (тендерлар) асосида ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазир-

лиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган мактаблар куриш, уларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашни ташкил этиш тартибига мувофиқ бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш, уларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашни молиялаштириш учун фойдаланилади.

24. Маблағларни тасдиқланмаган сметасиз, шунингдек Жамғарма харажатлари прогнозида назарда тутилмаган тадбирларга ёки ҳам умуман сметалар бўйича, ҳам харажатларнинг алоҳида турлари бўйича сметаларда белгиланганидан ортиқча сарфлаш тақиқланади.

25. Жамғарма ҳисоб рақамларидан маблағларни мазкур Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун ўтказиш ва вақтинча олиб қўйиш тақиқланади.

VII. Мактаблар қурилишини, уларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашни молиялаштириш тартиби

26. Бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш ва мукаммал реконструкция қилишни молиялаштириш ушбу мақсадлар учун назарда тутилган Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамларидан маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ягона буюртмачи хизматларига ажратиш йўли билан жойлардаги молия органлари томонидан амалга оширилади.

27. Мактабларни мукаммал таъмирлаш Жамғарманинг маҳсус ҳисоб рақамларидан тегишли халқ таълими бошқармаларига маблағ ажратиш воситасида молиялаштирилади, маблағлар кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ягона буюртмачи хизматларига йўналтирилади.

28. Бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар куриш ва уларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашни молиялаштириш буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган манзилли рўйхатлар асосида қатъий равишда капитал қўйилмалар лимитлари ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва тузилган шартномаларга мувофиқ объектма-объект амалга оширилади, тузилган шартномаларда қўйидагилар ҳисобга олинади:

мактаблар куриш, уларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашнинг биринчи ойи мобайнида жорий йил учун ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида аванс тўлови ажратиш;

жорий молиялаштиришни хар ойда ажратилган авансни мутаносиб тарзда ушлаб қолиш ҳисобга олинган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида амалга ошириш.

29. Қолган 5 фоизни пурратчига тўлаш шартномада қайд этилган кафолат муддати тамом бўлгандан кейин амалга оширилади.

VIII. Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улар бўйича ҳисоботлар ва улардан фойдаланишини назорат қилиш

30. Ижро этувчи дирекция Жамғарма фаолияти бўйича бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва ҳисоботлар тузилиши учун жавоб беради.

31. Мактаб таълимими ривожлантириш дастурига киритилган умумтаълим мак-

таблари мазкур Дастурни амалга ошириш доирасида олинган пул маблағлари, төварлар, бажарилган ишлар ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳалқ таълими бўлимлари га кўрсатилган хизматлар тўғрисида умумлаштириш ҳамда кейинчалик туман (шаҳар) молия бўлимларига тақдим этиш учун ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай ҳисобот тақдим этадилар.

32. Туман (шаҳар) молия бўлимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бошқармалари Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 8-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича ҳисоботлар тақдим этадилар.

33. Жойлардаги ягона буюртмачи хизматлари томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 8-кунидан кечикмай, бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янги мактаблар қуришга ва муқаммал реконструкция қилишга ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига, муқаммал таъмирлаш бўйича эса — ҳалқ таълими худудий бошқармаларига ҳисоботлар тақдим этилади.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари амалга оширилган харажатлар факти бўйича ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармасининг мактаб таълими, мониторинг ва назорат бўлимига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар.

35. Жамғарма томонидан молиялаштирилайдиган тадбирларни бажариши назарда тутилган вазирликлар ва идоралар ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мактаб таълими, мониторинг ва назорат бўлимига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича ҳисобот тақдим этадилар.

36. Жамғарма ҳисоб ракамига маблағларнинг тўлиқ тушиши устидан назорат Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

37. Ҳар йили Давлат бюджетини ва бюджетдан ажратилган мақсадли маблағларни сарфлашни ишлаб чиқишида назарда тутиладиган ставкалар бўйича маҳсус соликдан тушадиган маблағлар ҳисоби умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назорат Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармасининг мактаб таълими, мониторинг ва назорат бўлими ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

39. Жамғарма маблағларидан тасдиқланган харажатлар сметаларига қатъий мувофиқ равишда мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавобгарлик тасдиқланган сметаларга мувофиқ жойлардаги ягона буюртмачининг тегишли хизматлари ва маблағларни олувчи ҳалқ таълими органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

IX. Жамғармани тугатиш

40. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

41. Жамғарма тугатилган тақдирда унинг ҳисоб ракамларидағи маблағлар қолдиги Ўзбекистон Республикасида таълимни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадларига йўналтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

265 Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ республиканинг етакчи тиббиёт клиникалари негизида эксперимент тариқасида урология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси ва кардиология бўйича тўртта Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилган, улар замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт анжомларидан фойдаланган ҳолда аҳолига юқори малақали тиббий ёрдам кўрсатишга даъват этилган.

Аҳолига пулли асосда юқори малақали тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ва тарифлари, беморларнинг имтиёзли тоифасини бепул даволаш, марказларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплаш принципларига босқичма-босқич ўтиши тартиби белгиланган.

Халқаро тажрибани хисобга олган ҳолда bemorlararga ташхис қўйиш сифати ва уларни даволаш стандартлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ташхис қўйиш ва аҳолига юқори малақали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуслари жорий этилмоқда, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати бирмунча ошди, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш микдори ўртacha 1,4 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, экспериментни амалга ошириш бўйича ишларнинг амалдаги ахволи соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг қўйилган мақсадларига жавоб бермайди. Марказларни молиялаштиришнинг янги шарт-шароитларига тўла кўламда ўтиш ва аҳолига юқори малақали тиббий хизматлар кўрсатиш таъминланмаган.

Экспериментнинг муҳим вазифаларидан бири — берилган имтиёзлар ва мижозларга пулли хизмат кўрсатишга ўтиш натижасида бўшаб қолган маблағларни жамлаш ва уларни, биринчи навбатда, клиникаларни энг замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашга ҳамда врачлар ва тиббиёт ходимлари меҳнатини уларнинг bemorларни даволашга кўшган шахсий хиссасига мувофиқ рағбатлантиришга йўналтириш ҳал этилмаяпти.

Марказлар фаолиятини тартибга солувчи амалдаги коидалар қўпол равишда бузилмоқда. Амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатишнинг ордерли тизими жорий этилмаган, тиббий хизматлар кўрсатишга клиника билан bemorлар ўртасида шартномаларнинг мажбурий тузилишига доир талаблар бажарилмаяпти. Кўрсатилаётган тиббий хизматларга тарифларни тасдиқлаш масаласи ханузгача ишлаб чиқилмаган.

Аҳолига ҳам пулли асосда кўрсатилган хизматлар, ҳам имтиёзли тоифага кўрсатилган хизматлар бўйича хисобга олиш ва хисбот ишлари зарур даражада олиб борилмаяпти. Кўп холларда бу борада субъектив ёндашувлар намоён бўлмоқда, бюджет квотаси микдори ошириб юборилмоқда.

Натижада, Марказларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига ўтишига қарамай, худди илгаригидек бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва солик имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар молиялаштиришнинг асосий манбай бўлиб қолмоқда.

Экспериментни тугаллаш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, соғлиқ-

ни сақлашда тиббий хизматнинг сифатини яхшилашга, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашни ошириш учун тиббиёт марказларининг ўз даромадларини кўпайтиришга ҳамда Марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотларни янада чукурлаштириш мақсадида Вазирлар **Маҳкамаси қарор қиласиди**:

1. Соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назировга, Молия вазири М. Нурмуровдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонида қўйилган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи вазифаларини тўлиқ ҳажмда бажариш юзасидан улар томонидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ва эксперимент давомида Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини пухта мувофиқлаштириш таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши ҳамда марказлар фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони ва Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифалар, қоидалар ва нормаларнинг сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

Вазирлар **Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси** (А.А. Азизхўжаев) соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи амалга оширилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида Марказларнинг раҳбарлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг ҳисоботларини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсин ва натижалари тўғрисида Вазирлар **Маҳкамасига** ахборот берсин.

2. Белгилансинки, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари:

республика аҳолисининг барча тоифаларига ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига мажбурий риоя қилган ҳолда белгиланган тарифларга мувофиқ пулли асосда тиббий ёрдамнинг барча турларини кўрсатадилар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига 2-иловада белгиланган шахсларнинг факат имтиёзли тоифасига республика соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган тартибда берилган ордерлар асосида мавжуд ўрин фондининг, унинг айланишининг ва поликлиникаларнинг беморларни қабул қилиш қувватининг 20 фойзигача микдорда давлат бюджети маблағлари ҳисобига истисно тариқасида бепул, юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадилар;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига факат пулли асосда тиббий ёрдам кўрсатадилар;

пулли асосда ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига кўрсатилган тиббий ёрдам учун даромадлар ва харажатлар бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритишига мажбурдирлар.

3. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ кўрсатиладиган пулли тиббий хизматларнинг барча турларига тарифларни мустақил равишда тасдиқлаш хукуки берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари билан биргаликда пулли асосда кўрсатиладиган тиббий хизматларга тарифларни шакллантиришнинг умумий қоидалари ва методикасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарларининг улар томонидан Марказларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишининг келишилган жадвали қабул қилинганилиги тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин, унга кўра 2005 йилдан бошлаб Республика кўз микрохирургияси маркази, 2006 йилдан — Кардиология маркази, 2008 йилдан бошлаб эса — Урология маркази ва Академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик маркази ушбу принципга ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Марказларнинг жадвалда мўлжалланган муддатларда ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишга эришишини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жорий млояйвий таъминотига бюджет маблағлари ажратишни хар йили камайтириб боришни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббиёт ёрдам кўрсатиш Қоидалари 1-иловага мувофика;

Имтиёзли тоифага кирувчи bemорларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш Тартиби 2-иловага мувофика;

Шошилинч тиббиёт ёрдамга муҳтоҷ bemорларни шифохонага жойлаштириш тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофика;

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофика тасдиқлансан.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

касалликларнинг оғирлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда ташхис қўйиш ва даволаш сифати мезонларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари учун уларни ишлаб чиқиш ва риоя этилишини назорат қилишнинг ягона методикасини тасдиқласин;

хорижий етакчи клиникалар негизида юқори технологияли даволаш методларини ўзлаштириш учун Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган нормативлар асосида Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари, тиббиёт анжомлари билан 5-иловага* мувофика жадвалга биноан қўшимча жиҳозланишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти 2004 йил мобайнода халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан марказларни замонавий юқори технологияли даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга кўмаклашиш учун имтиёзли кредитларни жалб қилиш масаласини ишлаб чиқсинлар.

8. Тижорат банкларига ва лизинг компанияларига Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ва улар-

* 5-илова берилмайди.

нинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсан.

Тижорат банклари ва лизинг компаниялари 2004 йил 1 июндан 2012 йил 31 декабргача Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига лизингга бериш мақсадида харид қилиб олиб келинаётган тиббиёт асбоб-ускуналари ва асбоблари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йифимларидан ташқари) озод қилинсин.

9. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари 2004 йил 1 июндан 2012 йил 31 декабргача ўз эҳтиёжлари учун олиб келинаётган доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари, шу жумладан протез ва сарфланадиган материаллар учун кўшилган қиймат солиги ва бошқа божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йифимларидан ташқари) озод қилинсин, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли йўналтирилсан.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2003 йил 17 мартағи 140-сон қарорининг 5-банди, қарорга 6, 7 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 8 июнь,
264-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 8 июндаги 264-сон қарорига
1-ИЛОВА

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғликни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) томонидан аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғликни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ташкил қилинган Марказларга татбиқ этилади.

2. Марказлар томонидан аҳолига тиббий ёрдам ташхис қўйиш ва даволашнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган стандартларига мувофиқ, пулли асосда қўрсатилади.

3. Марказлар мижозларни қабул қиласи ва юқори малакали ихтисослаширилган тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-анжомларидан фойдаланган ҳолда даволайди.

4. Марказлар куйидаги асосий йўналишлар бўйича тиббий ёрдам қўрсатади:
аҳолини маслаҳат бериш учун қабул қилиш;
лаборатория-ташхис хизматлари қўрсатиш;
амбулаторияяда ёрдам қўрсатиш;
стационарда ёрдам қўрсатиш;
реабилитация ёрдами қўрсатиш.

Тиббий ёрдамнинг юқорида қайд этилган турларини қўрсатиш вақтида қўшимча тиббий сервис хизматлари хам қўрсатилиши мумкин.

5. Марказлар ихтисослашувига ва малакали кадрлар, моддий-техника базаси, замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш ҳамда даволаш анжомлари билан таъминланганлик даражасига кўра тиббий хизматларнинг аниқ рўйхатини, қийматини ва қўрсатилиш шарт-шароитларини белгиланган тартибда мустақил равиша белгилайдилар.

II. Мижозларни қабул қилиш ва беморларни даволаш тартиби

6. Аҳоли Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари томонидан қабул қилинади, уларнинг рўйхатга олиш бўлимлари фуқароларни бепул, тушунарли ва ишончли аҳборотлар билан таъминлаши шарт, аҳборотларда шифохонанинг жойлашган жойи, иш тартиби, тиббий хизматларнинг қиймати қўрсатилган рўйхати, ушбу хизматларни қўрсатиш ва улардан фойдаланиш шартлари, шунингдек мутахассис шифокорларнинг малакаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

7. Мижозларни қабул қилишни рўйхатдан ўтказиш Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари рўйхатга олиш бўлимларида амалга оширилади, бу ерда ҳар бир мижозга паспорти маълумотлари асосида амбулатория картаси очилади.

8. Тиббий рўйхатга олувчилик биринчи марта келган шахсларни ва амбулатория шароитида тўлиқ даволанишга келган мижозларни алоҳида-алоҳида рўйхатдан ўтказиши керак.

9. Марказларга амбулатория шароитида тўлиқ даволанишга келган шахслар тиббий рўйхатга олувчи томонидан мижознинг амбулатория картасидаги ёзувларга мувофиқ бевосита даволовчи мутахассис шифокорга юборилади.

10. Марказларга биринчи марта келган шахслар белгиланган прейскурант бўйича тиббий рўйхатга олувчи томонидан ёзиб берилган счёт-фактурани тўлагандан кейин маслаҳат олиш учун мутахассис шифокорга юборилади.

Счёт-фактурани тўлаш банк муассасасида ёки Марказларда, назорат-касса аппаратлари қўлланган ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланадиган бланкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мижоз банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхасини ёки чекни (накд пул билан тўланган тақдирда) рўйхатга олиш бўлимига топширади.

11. Маслаҳат бериш вақтида мутахассис шифокор мижозни дастлабки ташхисдан ўтишга юборади, ташхис натижаларига кўра касалликни ва амбулатория ёки стационар шароитида даволаш курсини белгилайди, зарурат бўлганда эса, мижозга

тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ қўшимча ташхис тартиботини белгилайди.

12. Амбулаторияда ёки стационарда даволаш курсини амалга оширишга қарор қилингандан кейин маслаҳат берувчи мутахассис шифокор мижознинг амбулатория картасини ва ташхис текширувлари натижаларини рўйхатга олиш бўлими орқали тегишли равища амбулаторияда даволаш учун Марказ поликлиникасига ёки Марказнинг стационар бўлимига беради.

13. Марказ поликлиникасининг ёки стационар бўлимининг даволовчи мутахассис шифокори маслаҳат берган шифокордан олинган маълумотлар асосида даволаш курсини белгилайди, уни мижознинг амбулатория картасига батафсил ёзади ва пулли тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартномани расмийлаштириш учун рўйхатга олиш бўлимига беради.

14. Пулли тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартнома ушбу Қоидаларга иловага мувофиқ шакл бўйича икки ёхуд уч нусхада тузилади, уларни мижоз, унинг ҳомийси (у мавжуд бўлганда) ва Марказ директори ёки мазкур функциялар меҳнат вазифаларига мувофиқ зиммасига юклangan ваколатли шахс имзолайди, шартномалар бир нусхадан мижозга ва унинг ҳомийсига (у мавжуд бўлганда), шунингдек Марказнинг хужжатлар йиғма жилдларида сақлаш учун берилади.

Бу ҳолда, фақат юридик шахс — иш берувчи ёки беморни даволаш қийматини мурувват тариқасида тўлаган бошқа ташкилот хомий бўлиши мумкин. Бюджет ташкилотлари ўз ходимларининг даволаниш қийматини бюджет маблағлари хисобига тўлаша тақиқланади.

15. Мижозга амбулаторияда ёки стационарда тиббий ёрдам ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ кўрсатилади.

16. Ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларида назарда тутилмаган қўшимча даволаш ва ташхис тартиботлари:

мижозда қўшимча касалликлар топилганда, уларнинг ташхис қўйиш ва даволаш харажатлари келишувга кўра ҳамда мижоз ёхуд унинг ҳомийси хисобига қопланганда;

Марказ томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида ёки Марказ мутахассисларининг нотўғри ташхиси ва хатти-харакатлари туфайли пайдо бўлган, даволаш харажатлари Марказнинг ўз маблағлари хисобига қопланадиган асоратлар келиб чиқсанда амалга оширилади.

17. Мижоз ёки унинг ҳомийси мижозда қўшимча касалликлар аниқланганлиги туфайли кўрсатилиши зарур бўлган қўшимча тиббий ёрдам ҳажми учун тўловни рад этган тақдирда, мижоз ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига мувофиқ назарда тутилган ва қиймати тўланган тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда олгандан кейин, Марказ томонидан мижозни шифохонадан чиқариш ёки уни яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш муассасасига ўтказиш масаласи қўйилади.

III. Тиббий ёрдам қийматини тўлаш тартиби

18. Марказлар томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун олдиндан тўлиқ тўлаш шартларида, ташхис ва даволаш сифатининг тасдиқланган тарифлари ва стандартларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳам нақд маблағлар билан Марказ кассасига, ҳам пул маблағларини Марказнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан ҳак тўланади.

19. Аҳолидан нақд маблағларни қабул қилиб олиш бўйича касса операциялари

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари кўрсатилган тиббий хизматлар учун ҳакни белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлардан 20 фоизга оширилган ҳолда, миллий валюта «сўм»да ёки тўлов кунида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эркин муомаладаги валютада тўлайдилар.

IV. Мижозлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш тартиби

21. Тиббий рўйхатга олувчи мижозларнинг амбулатория карталарини алфавит тартибида (фамилиялар бўйича), мижозларнинг туғилган йили бўйича ажратган ҳолда саклаши керак.

22. Тиббий рўйхатга олувчи томонидан мижозлардан (уларнинг ҳомийларидан) қабул қилиб олинган тўлов хужжатлари нусхалари иш куни давомида Марказнинг бош бухгалтерига топширилади. Марказнинг бош бухгалтери тиббий рўйхатга олувчига белгиланган тартибда рўйхатга олиш бўлимида сақланиши керак бўлган қабул қилиб олинган тўлов хужжатлари квитанциялари нусхасини беради, шунингдек ҳар хафтада тиббий рўйхатга олувчи, назорат-касса аппарати маълумотлари билан нақд пулсиз хисоб-китоб бўйича Марказнинг бюджетдан ташқари маҳсус хисоб рақамига тушган маблағларни таққослади.

23. Марказ кўрсатилган пулли тиббий хизматлар натижаларининг статистик ва бухгалтерия хисобини юритиши шарт, у талаб қилинадиган хисботни тузади ва уни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

V. Истеъмолчининг ҳуқуқлари ва Марказнинг жавобгарлиги

24. Мижозларнинг сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан ҳимоя қилинади.

25. Тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган шартномага кўра хизматларни бажариш муддатлари ва сифати бўйича мажбуриятлар Марказ томонидан бажарилмаган тақдирда мижоз ўз танловига кўра:

хизматлар кўрсатишнинг янги муддатини белгилашни талаб қилишга;

хизматларнинг бошқа мутахассислар томонидан бажарилишини талаб қилишга;

шартномани бекор қилишга ва кўрилган зарарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

26. Мижозлар билан Марказ ўртасида пайдо бўладиган эътиrozлар ва низолар томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

27. Ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига Марказ томонидан амал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан даврий хисботларни таҳлил қилиш ва жойларда режали текширишлар ўтказиш йўли билан назорат қилинади.

28. Марказ директори ва ходимлари ўзларининг айби билан мижозлар ҳаёти саломатлигига етказилган зиён учун амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя килган холда ахолига пулли асосда юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш Қоидаларига ИЛОВА

Пулли тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ШАРТНОМА

Тошкент шахри

— й. «___» _____

Республика ихтисослаштирилган _____ маркази номидан Марказ устави асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Бажарувчи» деб юритилувчи, Марказ директори _____ бир томондан,
(Ф.И.О.)

_____ да яшовчи, кейинчалик «Мижоз» деб юритилувчи фуқаро _____

(Ф.И.О., паспорт серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи)

иккинчи томондан, _____
(мазкур Шартнома бўйича ҳақ тўловчи юридик шахснинг номи)

_____ номидан _____ асосида иш кўрувчи
(Устав, Низом, ишончнома))

кейинчалик «Хомий» деб юритилувчи _____
(Ф.И.О., лавозими)

учинчи томондан мазкур Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Бажарувчи Мижозга қўйида кўрсатилган ҳажмда ва муддатда тиббий хизматлар кўрсатади, Мижоз/Хомий (зарур бўлмагани чизилсин) эса мазкур Шартнома барча томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб _____ кун мобайнода ушбу хизматларга белгиланган тарифлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш шартларида Бажарувчининг кассасига ёхуд Бажарувчининг _____ даги ____-сон депозит ҳисоб рақамига ҳақ тўлади.

Тиббий хизматлар рўйхати	Тиббий ходимнинг номи ва илмий даражаси	Бирликлар сони	Бирлик қўймати	Умумий қўймати	Хизматларни бажариш муддатлари
1.					
2.					
Жами:		X	X		

1.2. Хизматлар Бажарувчи ва Мижоз томонидан хизматларни кабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

II . Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбур:

- а) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тибиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;
- б) счёт-фактура билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағларни Мижозга/Хомийга (зарур бўлмагани чизисин) кайтариш;
- в) Мижозга амалда кўрсатилган тиббий хизматлар, фойдаланилган дори-дармонлар ва овқат учун счёт-фактурани Мижозга/Хомийга бериш;
- г) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида тузиш ва имзолаш;
- д) Мижоз соғлигининг ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қилмаслик;
- е) зарурият бўлганда ёки Мижознинг талабига кўра Мижоз/Хомий томонидан кўшимча ҳақ тўланмасдан врачлар консилиумини чакириш;
- ж) агар хизматларни кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишларга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча нуқсонларни Мижознинг талабига кўра ____ кун мобайнида текин тузатиш;
- з) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиённи, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқсан заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш;
- и) Мижоз ва Хомийнинг ҳуқуқларига риоя қилиш.

2.2. Бажарувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Мижоздан Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилишни талаб этиш;
- б) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган кўрсатиладиган хизматлар қийматини тўлаш шартларига риоя этилмаган такдирда мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- в) Мижознинг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Мижоздан олиш.

2.3. Мижоз қўйидагиларга мажбур:

- а) Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилиш;
- б) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган шартларда хизматларнинг тўлиқ қийматини Бажарувчига ўз вақтида тўлаш (агар бу мазкур Шартнома бўйича Хомийнинг мажбурияти хисобланмаса);
- в) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида имзолаш;
- г) ўзининг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш.

2.4. Мижоз қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тиббиёт амалиёти, технология ва қасб этикасининг юкори даражасида олиш;
- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-коидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, тарифлар билан танишиш;
- в) счёт-фактура билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар қайтарилишини талаб қилиш ва олиш;
- г) ўзига амалда кўрсатилган тиббий хизматлар учун счёт-фактурани, шунингдек хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларининг бир нусхасини олиш;
- д) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси мазмунига рози бўлмаган тақдирда, ушбу далолатномани мавжуд мулоҳазаларни ёзма равишда кўрсатган ҳолда имзолаш;
- е) ўз соғлигининг ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қилмаслик;
- ж) қўшимча ҳақ тўламасдан врачлар консилиумини чакириши талаб қилиш;
- з) агар хизматлар кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишга йўл қўйган бўлса, Бажарувчидан барча аниқланган нуксонларни ____кун мобайнида текин тузатишни талаб қилиш;
- и) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиён, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқсан барча заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Бажарувчидан олиш;
- к) Бажарувчини ____кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

2.5. Ҳомий мазкур Шартноманинг 1.1-банди шартларига мувофиқ хизматларнинг тўлиқ қийматини Бажарувчига ўз вақтида тўлаши **шарт**.

2.6. Ҳомий қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Мижозга амалда кўрсатилган тиббий хизматлар учун счёт-фактурани, шунингдек хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларининг бир нусхасини олиш;
- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-коидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, тарифлар билан танишиш;
- в) агар Бажарувчи томонидан қўшимча тиббий хизматлар ва бошқа хизматлар тайинланган тақдирда, Ҳомийнинг маблағлари хисобига бошқа тиббиёт муассасалари томонидан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилиш;
- г) счёт-фактуралар ва хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар қайтарилишини талаб қилиш ва олиш;
- д) мазкур Шартнома шартлари Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан бузилган тақдирда, ____кун олдин Бажарувчини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бир томонлама бекор қилиш ва тўланган маблағлар қайтарилишини Бажарувчидан талаб қилиш.

III. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар бир-бирининг олдида Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг Шартномада белгиланган муддатлари бузилганини учун «Истеъмолчиларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ва миқдорда Мижозга муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланади.

3.3. Томонларнинг келишувига кўра муддати ўтказиб юборилганлиги учун тўла-надиган жарима Бажарувчи томонидан Мижозга қўшимча хизматлар кўрсатилиши хисобига бажарилиши мумкин.

3.4. Муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланиши томонларни маз-кур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан ёки ушбу мажбуриятларнинг улар томонидан йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

3.5. Томонларнинг ҳар бири, агар бажармаслик ёки зарур даражада бажармас-лик енгиб бўлмайдиган куч оқибатида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятлари бошқа томон томонидан бажарилмаслиги ёки ноҳалол бажарилиши сабабли юз берганлигини исбот қиласа, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятла-ри бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавоббарлиқдан озод қилинади.

IV. Шартноманинг бошқа шартлари

4.1. Бажарувчи томонидан тиббий хизмат кўрсатилиши ёки Бажарувчи ходим-ларининг нотўри ташҳиси ва хулосалари туфайли салбий оқибатлар пайдо бўлган тақдирда, Бажарувчи Мижоз учун қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами, дори-дармонлар ва овқат қийматини ўз маблағлари хисобидан тўлайди.

4.2. Мижозда қўшимча касалликлар аниқланган тақдирда, Мижозга қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш, дори-дармонлар ва овқат қиймати мазкур Шартномага қўшимча битим асосида Мижоз/Хомий томонидан тўланади.

4.3. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласидилар.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ судда қўриб чиқилиши керак.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томони-

дан имзоланган бўлса, ҳақиқий ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобла-
нади.

6.2. Мазкур Шартнома уни барча томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга
киради.

6.3. Мазкур Шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан икки/уч нусхада
тузилди. Барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

VII. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

БАЖАРУВЧИ	МИЖОЗ	ҲОМИЙ
Республика ихтисослаштирилган маркази		
_____	_____	_____
(тўлиқ номи, манзили)	(Ф.И.О.)	(тўлиқ номи, манзили)
x/p №	(паспорт рақами ва серияси, ким томонидан ва қачон берилган)	x/p № МФО
МФО _____	_____	СИР _____
СИР _____	_____	Рахбар _____
Директор _____ (Ф.И.О.)	_____	(Ф.И.О.)
М.Ў. _____ имзо	(Яшаш жойи)	М.Ў. _____ имзо

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 8 июнядаги 264-сон карорига
2-ИЛОВА

Имтиёзли тоифага киравчи bemорларга ордер бериш, уларни шифохонага жойлаштириш ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш тартиби

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш, ордер бериш, жойлаштириш ҳамда имтиёзли тоифага киравчи шахсларга давлат бюджети ҳисобига кўрсатиладиган тиббий хизматлар қийматини тўлаш масалаларини тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартибнинг амал қилиши факат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Марказларга;

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига 2-иловада келтирилган, замонавий, юқори технологияли ташҳис ва даволаш асбоб-анжомлари қўлланилган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларга татбиқ этилади.

II. Бепул даволанишга ордерлар бериш қоидалари

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан йилнинг ҳар чорагида ҳар бир Марказ учун алоҳида мавжуд ўрин фондининг, унинг айланишининг ва поликлиникаларнинг беморларни қабул қилиш қувватининг 20 фоизига-ча микдорда имтиёзли бепул тиббий хизматлар қўрсатишга квоталар белгиланади. Минтақалар бўйича квоталарни тақсимлаш соғлиқни сақлаш худудий органларининг буюртманомаларини кўриб чиқиши ўйли билан амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига кейинги чоракнинг 5-кунидан кечикмай ордерлардан фойдаланилиши тўғрисида хисбот тақдим этадилар.

4. Имтиёзли тоифага бепул даволаниш учун ордерлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, соғлиқни сақлаш вилоят бошқармалари ҳузуридаги врач-танлаш комиссиясининг хulosаси асосида берилади.

Тегишли врач-танлаш комиссияларининг таркиби қўйидаги мутахассислардан тузилади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига — даволаш бош бошқармасининг бошлиғи (раис) ихтисос бўйича вазирликнинг бош мутахассиси ва вазирликнинг даволаш бошқармаси бош мутахассиси;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига — вазир ўринбосари (раис), ихтисос бўйича вазирликнинг бош мутахассиси ва вазирликнинг даволаш бошқармаси бош мутахассиси;

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ва соғлиқни сақлаш вилоят бошқармаларида — бошлиқларнинг биринчи ўринбосарлари (раислар), ихтисос бўйича бошқармаларнинг бош мутахассислари ва ихтисос бўйича даволаш муассасаларининг бош врачлари.

5. Соғлиқни сақлаш органлари беморларнинг имтиёзли тоифасига йўлланмалар (ордерлар)ни асосан республиканинг бошқа тиббиёт муассасаларида қўрсатилиши мумкин бўлмаган ихтисослаштирилган юқори технологияли (киммат турадиган) тиббий ёрдам олиш учун берадилар.

6. Врач-танлаш комиссияси факат қўйидаги тиббий хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда bemorlarнинг имтиёзли тоифасини бепул даволашга ордерлар бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади:

тиббий ёрдам беришнинг бирламчи муассасининг йўлланмаси асосида вилоят (республика, шаҳар) даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилган мазкур bemornинг Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказида даволаниши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хulosasi;

bemornинг ахволи тўғрисидаги тиббий хulosasi (bemornинг Ф.И.О., ташҳис, бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда олинган лаборатория ва инструментал текшириш натижалари);

имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат (пенсия дафтарчаси, ногирон гувохномаси, ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси).

7. Юқорида кўрсатиб ўтилган хужжатларнинг нусхалари касаллик тури бўйича ихтисослаштирилган марказда бепул даволанишга ордер ажратиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун врач-танлаш комиссиясига тақдим этилади. Хужжатларнинг асл нусхалари кейинчалик Марказга тақдим этиш учун беморда қолади.

8. Врач-танлаш комиссияси ордер бериш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ордер бланкаси врач-танлаш комиссияси таркибига кирадиган масъул шахс томонидан тўлдирилади, врач-танлаш комиссияси раиси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳр билан тасдиқланishi керак.

9. Марказларда тиббий ёрдам олиш учун ордер қатъий ҳисобда турадиган хужжат ҳисобланади, унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

III. Беморларнинг имтиёзли тоифасини шифохонага жойлаштириш ва тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби

10. Шахсларнинг имтиёзли тоифасини қабул қилиш соғлиқни сақлашни бошқаришнинг худудий органлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган йўлланмалар (ордерлар) асосида Марказларнинг маслатат берувчи поликлиникалари томонидан амалга оширилади.

Йўлланмалар (ордерлар)дан ташқари имтиёзли тоифага кирувчи шахслар шунингдек касаллик тарихидан кўчирмани (амбулатория картаси) ҳамда уларнинг шахсини ва имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга мансублигини тасдиқловчи хужжатларни ҳам тақдим этадилар.

Кўрсатиб ўтилган хужжатлар белгиланган намунадаги касаллик тарихини очиш учун асос ҳисобланади.

11. Имтиёзли тоифага кирадиган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига риоя қилинган ҳолда Республика марказлари томонидан аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш коидаларига мувофиқ келади.

12. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни стационар даволаш учун Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида алоҳида палаталар ажратилади. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни пулли асосда тиббий хизматлардан фойдаланувчи шахслар билан биргаликда шифохонага ётқизишга ўйл қўйилмайди.

13. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий ёрдам Марказ билан мижоз ўртасида тузиладиган мазкур тартибга иловага мувофиқ шакл бўйича шартнома асосида бюджет маблағлари ҳисобига кўрсатилади.

14. Шошилинч ёрдам кўрсатилишига муҳтоҷ bemорлар Марказ Директорининг билдиришномаси билан, у бўлмагандан, Марказнинг масъул навбатчи врачининг билдиришномаси билан қабул қилинади. Шошилинч тиббий ёрдам Марказлар томонидан Шошилинч тиббий ёрдам марказларида bemорларни даволашнинг белгиланган чекланган муддатларига мувофиқ кўрсатилади ва кейинчалик шифохонада ётқизиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

15. Ихтисослаштирилган тиббиёт Марказларига бепул даволанишга йўлланма-

сиз (ордерсиз) мурожаат қилган шахсларга тиббий ёрдам белгиланган тартибда пулли асосда кўрсатилади.

IV. Бюджет маблағларининг режадаги миқдорини аниқлаш тартиби

16. Давлат бюджети маблағларини олиш учун Марказ томонидан навбатдаги молия йили учун бюджет маблағлари олишга буюртманома тузилади, у қуйидаги лардан келиб чиқсан ҳолда хисоблаб чиқилади:

имтиёзли тоифага кирувчи беморлар поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бўлиши;

ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг белгиланган тартибда тасдиқланган стандартлари, Марказ томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдамга белгиланган тарифлар, шу жумладан тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб, юқори технологияли (қиммат турадиган) турларига белгиланган имтиёзли тарифлар — бундай тиббий ёрдам турлари рўйхати ва уларнинг сарф-харажатларини қоплаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

имтиёзли тоифага кирувчи бир нафар беморни ҳам амбулаторияда, ҳам стационар шароитда даволаш харажатлари;

барча турдаги солиқлар ва божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви ўйғимларидан ташқари) хисоблаш ва давлат бюджетига тўламаслик натижасида бўшайдиган маблағлар ҳажмининг прогноз хисоб-китоблари, шунингдек бўшайдиган мазкур маблағларни Марказни ривожлантириш ва замонавий тиббий асбоб-ажомлар билан жихозлашга йўналтириш.

17. Навбатдаги йил учун бюджет буюртманомаси Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига жорий йилнинг 1 июнидан кечикмай тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика бюджетидан таъминланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг бюджет буюртманомаларини кўриб чиқсандан ва умумлаштиргандан кейин навбатдаги йил учун Марказлар бўйича йигма бюджет буюртманомасини, Марказлар бўйича харажатларни алоҳида параграф билан ажратган ҳолда, жорий йилнинг 1 июлидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги навбатдаги молия йили учун давлат бюджети параметрлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин бир ҳафта муддатда, Марказлар учун бюджет маблағлари ҳажми ни ҳар бир Марказ бўйича тақсимлаган ҳолда алоҳида сатр билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига етказади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бюджет маблағлари ҳажмларини, Марказларнинг имтиёзли тоифадаги беморларга (поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда) бепул тиббий хизмат кўрсатиш бўйича харажатларини қоплашга ҳамда ахолига имтиёзли тарифлар бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш харажатларини қоплашга мақсадли маблағларни алоҳида сатр билан ажратган ҳолда Марказларга етказади.

19. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустакил равиша:

келгуси йил учун бизнес-режани ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда Ягона тариф сеткаси бўйича базавий лавозим маошларидан ва микдори чекланмайдиган устама ҳақдан келиб чиқсан ҳолда лавозим маошларини белгилайди.

V. Марказ харажатларини қоплашга бюджет маблағлари ажратиш тартиби

20. Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Марказларга ҳар ойда, қўйидаги сатрлар бўйича тақсимлаган ҳолда:

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрни ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бепул асосда, юқори малакали ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплашга;

тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб, юқори технологияли (қиммат турадиган) турларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича ахолига тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплашга ажратилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказ томонидан тасдиқланган стандартлар ва тарифларга риоя қилмасдан асоссиз равишда сўралаётган деб ҳисоблаган суммани ушлаб қолиши мумкин.

Бюджет маблағлари Марказга хизмат кўрсатувчи банк муассасасидаги маҳсус бюджет ҳисоб рақамига ўтказилади.

21. Даволанган имтиёзли тоифага кирувчи шахслар ва имтиёзли тарифлар бўйича даволанган ахолининг ҳақиқий сони учун Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда амбулаторияда ва стационарда кўрсатилган тиббий ёрдам қиймати ташхис ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларидан, амалдаги тарифлардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

22. Ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларида на зарда тутилмаган қўшимча даволаш ва ташхис қўйиш тартиботлари, агар уларни амалга ошириш зарурияти мижозда қўшимча касалликлар топилиши туфайли пайдо бўлса, давлат бюджети маблағлари хисобига молиялаштирилади. Бунда мижознинг қиймати давлат бюджети маблағлари хисобига тўланадиган даволанишда бўлишининг чекланган муддати ташхис ва даволаш сифатининг белгиланган стандартларида белгиланган муддатдан З кундан ошмаслиги керак.

Қўшимча даволаш ва ташхис қўйиш ишлари Марказ томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам асорати ёки Марказ ходимларининг нотўғри ташхиси ва хатти-харакати сабабли кўрсатилган тақдирда қўшимча харажатлар Марказнинг ўз маблағлари хисобига қопланади.

23. Молия йили охирида бюджет маблағларининг фойдаланилмай қолган суммаси бюджеттага олиб қўйилмайди ва Марказ ихтиёрида қолади, улардан келгуси молия йилида:

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бепул асосда, юқори малакали ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб, юқори технологияли (қиммат турадиган) турлари тарифларини арzonлаштириш;

Марказни ривожлантириш ва жиҳозлаш учун фойдаланиш мумкин.

VII. Ҳисоб ва ҳисобот

24. Марказлар имтиёзли тоифага киравчи касалларга қилинган харажатларнинг (шу жумладан имтиёзли тарифлар бўйича хизматларнинг юқори технологияли мурракаб турларига харажатларнинг) таҳлилий ҳисоб-китобини олиб боришлари шарт, унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланади.

25. Марказ ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечик-май Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Молия вазирлигига бажарилган тиббий хизматлар ҳажми тўғрисида, bemorlarни pulli va имтиёзли тоифалар бўйича ажратган ҳолда ҳисобот тақдим этади.

Имтиёзли тоифага киравчи bemorlariga
order berish, ularni shifoxonaga joylash-
tiresh va davlat budjeti mablaglari
hisobiga davolash kiymatini tulaash
taribiqa
ILLOVA

**Имтиёзли тоифага киравчи bemorga давлат бюджети
маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА**

Тошкент шахри

— й. «___» _____

Республика ихтисослаштирилган _____ маркази номидан Марказ утави асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Бажарувчи» деб юритилувчи Марказ директори _____ бир томондан,
(Ф.И.О.)

_____ да яшовчи, кейинчалик «Мижоз» деб юритилувчи фуқаро_____

Ф.И.О., паспорт серияси ва раками,

_____ иккинчи томондан, мазкур Шартномани берилган санаси ва жойи)

қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Бажарувчи Мижозга қўйида кўрсатилган ҳажмда ва муддатларда тиббий хизматлар кўрсатади, ушбу тиббий хизматлар учун Бажарувчига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

Тиббий хизматлар рўйхати	Тиббий ходимнинг номи ва илмий даражаси	Бирликлар сони	Бирлик қиймати	Умумий қиймати	Хизматларни бажариш муддатлари
1.					
2.					
Жами:		X	X		

1.2. Хизматлар Бажарувчи ва Мижоз томонидан хизматларни кабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбур:

- а) Мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тиббиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;
- б) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вактида тузиш ва имзолаш;
- в) Мижоз соғлигининг ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қилмаслик;
- г) зарурият бўлганда ёки Мижознинг талабига кўра врачлар консилиумини чақириш;
- д) агар хизматларни кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишларга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча нуқсонларни Мижознинг талабига кўра ____ кун мобайнида текин тузатиш;
- е) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиённи, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқкан заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш;
- ж) Мижознинг ҳуқуқларига риоя қилиш.

2.2. Бажарувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Мижоздан Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилишини талаб этиш;
- б) Мижознинг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Мижоздан олиш.

2.3. Мижоз қўйидагиларга мажбур:

- а) Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилиш;
- б) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вактида имзолаш;
- в) ўзининг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш.

2.4. Мижоз қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тиббиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юкори дарражасида олиш;
- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-қоидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ва тарифлар билан танишиш;
- в) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси мазмунига рози бўлмаган тақдирда, ушбу далолатномани мавжуд мулоҳазаларни ёзма равишда кўрсатган холда имзолаш;
- г) ўз соғлигининг ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қилмаслик;

- д) врачлар консилиумини чақиришни талаб қилиш;
- е) агар хизматлар кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишга йўл қўйган бўлса, Бажарувчидан барча аниқланган нуқсонларни ____ кун мобайнида текин тузатишни талаб қилиш;
- ж) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиён, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқкан барча заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Бажарувчидан олиш;
- з) Бажарувчини ____ кун олдин ёзма равишда огохлантириб, мазкур Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш.

III. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар бир-бирининг олдида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг шартномада белгиланган муддатлари бузилганлиги учун Мижозга «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ва миқдорларда муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланади.

3.3. Томонларнинг келишувига кўра муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима Бажарувчи томонидан Мижозга қўшимча хизматлар кўрсатилиши ҳисобига бажарилиши мумкин.

3.4. Муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланиши томонларни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан ёки ушбу мажбуриятларнинг улар томонидан йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

3.5. Томонларнинг ҳар бири, агар бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч оқибатида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятлари бошка томон томонидан бажарилмаслиги ёки ноҳалол бажарилиши сабабли юз берганлигини исбот қиласа, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавогбарлиқдан озод қилинади.

IV. Шартноманинг бошқа шартлари

4.1. Мижоз учун қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш, агар санауб ўтилганлар Бажарувчи томонидан тиббий хизмат кўрсатилиши туфайли пайдо бўлган асосатлар ёки Бажарувчи ходимларининг нотўғри ташҳис қўйиши ва хатти-харакатлари муносабати билан талаб этилса, уларнинг қийматини Бажарувчи ўз маблаглари ҳисобидан тўлади.

4.2. Мижоз учун қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш қиймати, агар юқорида санауб ўтилганлар Мижозда қўшимча касалликлар аникланиши муносабати билан талаб этилса, мазкур Шартномага қўшимча битим асосида Марказга ажратилган бюджет маблағлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобига тўланади.

4.3. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласидилар.

V. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилиши керак.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, факат улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланган бўлса, хақиқий ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

6.2. Мазкур Шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.3. Мазкур Шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан икки нусхада тузилди. Барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

VII. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари**БАЖАРУВЧИ**

Республика

ихтисослаштирилган маркази**МИЖОЗ**

х/р №

МФО

СИР

Директор

(Ф.И.О.)

(тўлиқ номи, манзили)

(паспорт рақами ва серияси, ким томонидан ва қачон

берилган)

М.Ў.

Имзо

(йўлланманинг рақами ва санаси, йўлланмани

берган орган)

(шахснинг имтиёзли тоифага тегишлилигини тасдиқловчи
хужжатнинг рақами ва берилган санаси)

(Яшаш жойи)

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 8 июндаги 264-сон қарорига
3-ИЛОВА

Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни шифохонага ётқизиш тӯғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тӯғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) жойлаштириш масалаларини тартибга солади.

Ушбу Низом факат юқорида кўрсатилган Фармонга мувофиқ ташкил қилинган Марказларга татбиқ этилади.

I. Оғир беморларни қабул қилиш тартиби

1. Тез тиббий ёрдам орқали ёки мустақил равишда Марказнинг қабулхонасига оғир аҳволда келган беморлар шифокор томонидан, тунги вактларда эса масъул навбатчи шифокор томонидан текширувдан ўтказилади. Зарур холларда ташхис кўйиш текширувлари ўтказилади ва зарур тиббий ёрдам кўрсатилади.

Аниқ ташхис кўйиш учун тегишли мутахассислар чақирилиши мумкин ва консилиум ўтказилади.

2. Оғир аҳволда келган бемор тӯғрисида Марказ директорига, унинг ўз жойида бўлмаган пайтларида эса — Марказ бўйича масъул навбатчи шифокорга хабар берилади.

3. Агар оғир аҳволда келган беморларнинг аҳволи мазкур Низомга иловада келтирилган ҳолатлар рўйхати бўйича ихтисослашган бўлса, улар Марказга ётқизилиши мумкин.

Агар беморнинг аҳволи иловада кўрсатилган тез ёрдам кўрсатиш ҳолатлари рўйхатига тегишли бўлмаса, у ҳолда бемор белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига жўнатилади.

Рўйхатдан ўтказиш дафтарига беморнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, келиб тушган вақти, уни Марказга транспортда олиб келиниши, ётқизилиши рад этилганлигининг сабаби ёзилади ва унда Марказ бўйича масъул навбатчи шифокорнинг имзоси бўлади. Бундан ташқари, беморга белгиланган тартибда хуолоса берилади.

4. Қабулхона шифокори томонидан беморда юқумли касаллик аниқланганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Алоҳида юқумли ва паразитар касалликларни ҳисобга олиш бўйича Йўриқномасига мувофиқ чоралар кўрилади.

II. Оғир беморларни даволашга квоталарни белгилаш ва харажатларни қоплаш тартиби

5. Марказларга шошилинч тарзда келган беморларнинг чекланган йўл кўйиладиган сони нисбати поликлиникаларнинг қабул қилиш қуввати ва ўрин фондидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади:

Урология маркази бўйича — 2 фоиз;
 Кўз микрохирургияси маркази бўйича — 3 фоиз;
 Кардиология маркази бўйича — 5 фоиз;
 Академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик маркази бўйича — 8 фоиз.
 Марказга белгиланган квоталардан ортиқ ётқизилган оғир bemорларга қилинган харажатлар Марказларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Имтиёзли тоифага киравчи bemорларга Марказ томонидан bemорларни шошилинч тиббий ёрдам марказларида даволашнинг белгиланган чекланган муддатларига мувофиқ ҳамда кейинчалик ётқизилишини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига расмийлаштирган ҳолда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади.

7. Имтиёзли тоифага киравчи bemорларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш харажатлари Имтиёзли тоифага киравчи bemорларга ордер бериш, шифохонага жойлаштириш ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлаш Тартибига мувофиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

8. Имтиёзли тоифага кирмайдиган bemорлар шошилинч тартибда юқори технологияли (қиммат турадиган) операция қилинганда даволаш қиймати белгиланган тартибда тўланади.

III. Назорат ва ҳисобот

9. Марказлар оғир аҳволда келган bemорларнинг ва уларни даволаш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисобини алоҳида юритадилар.

10. Марказнинг шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож bemорларни жойлаштиришга оид фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат қиласи.

Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож
bemорларни шифохонага ётқизиш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига шошилинч ётқизилиши талаб қилинадиган bemорларнинг ҳолатлари рўйхати

I. Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази

1. Тўлиқ AV блокада синдроми
2. Юрак тампонлаш синдроми
3. Туғма юрак иллати бор bemорларнинг нафас қисиш-цианли хуружлари
4. Юрак иллати бўлганда шишиш ҳолатлари ва ўпканинг шишиши
5. Зудлик билан реконструктив аралашув талаб этиладиган магистрал томирларнинг травматик шикастланиши ва аневризмлари
6. Ўткир миокард инфаркти, юрак ва магистрал томирларнинг файритабиий таҷаси, магистрал томирларнинг тромбозлари

7. Нафас йўлларининг ўткир обструкция синдроми ва ошқозон-ичак тракти файритабиий таначаси
8. Қизилўнгачнинг травматик шикастланиши
9. Профуз ўпка, қизилўнгач ва ошқозон-ичакдан қон кетиши
10. Перитонит
11. Жигар фаолиятидаги етишмовчилик синдроми фонидаги механик сариқ касали
12. Паренхиматоз органларининг травматик шикастланиши
13. Ўз-ўзидан юзага келадиган пневмоторакс

II. Республика ихтисослаштирилган урология маркази

1. Шок ҳолати асоратида ва беморни олиб юриш имкони бўлмаган урологик касалликлар

III. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази

1. Кардиоген шоки, ҳаёт учун хавфли аритмиялар, ўпка шиши асоратида ўткир миокард инфаркти
2. Энцефалопатия, мия инсульти, ўпка шиши орқали ўтувчи гипертоник кризислар
3. Оғир юрак фаолиятидаги етишмовчилик (III даражаси) ва ҳаётга хавф соувчи аритмиялар асоратида дилатацион кардиомиопатия.

IV. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази

1. Глаукоманинг ўткир хуружи
2. Глаукоманинг факоморфик хуружи
3. Глаукоманинг факолитик хуружи
4. Глаукоманинг факотопик хуружи
5. Операциядан кейинги (икки ҳафтагача) асоратлар натижасида беморнинг айбисиз пайдо бўлган яралар:
Кўзга рангли парда тушиши
операция тикувларининг операциядан кейин ёрилиши ва айрилиши
қолган хрустал массаларнинг ювилиб кетиши
томир қобигининг чўкиши ва жарроҳлик аралашуви талаб қилинадиган бошқа ҳолатлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 8 июндангы 264-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Республика ихтисослаштирилган марказлари даромадларини
шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини
молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда Марказлар деб аталади) даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаларини ҳамда уларнинг фаолиятини молиялаштириш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши юқорида кўрсатилган Фармонга мувофиқ ташкил қилинган Марказларга татбиқ этилади.

I. Марказ даромадларини шакллантириш манбалари

1. Қўйидагилар Марказлар даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

Марказларнинг ўз даромадлари;

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари;

Марказлар ихтиёрига юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул ва бошқа маблағларнинг бефараз берилиши;

банк ва молиявий муассасаларнинг, бошқа юридик шахсларнинг кредитлари;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб қилинган бошқа даромадлар.

2. Марказларнинг ўз даромадлари:

тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига мувофиқ пулли асосда аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш;

Марказларнинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг соҳа мутахассисларини пулли асосда тайёрлаш;

тиббий дори-дармонлар, физик эритмалар ва қон дори-дармонлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш;

илмий-тадқиқот ишлари натижаларини сотиш;

Марказларнинг фойдаланилмаётган мол-мулкини қонун хужжатларида белгиланган тартибда ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

3. Давлат бюджети маблағлари:

имтиёзли тоифага кирувчи беморларга бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилганлиги учун Марказларнинг харажатларини қоплашга;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича аҳолига ихтисослаштирилган ва юқори технологияли (қиммат турадиган) тиббий хизмат турлари кўрсатилганлиги учун харажатларни қоплашга;

Марказларни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳамда ҳар йил тасдиқланадиган инвестиция дастурлари доирасида замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш тиббиёт асбоб-анжомлари ва техники-каси билан тўлиқ жихозлашга;

Марказларни мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашга; илмий-тадқикот фаолиятига илмий грантлар тарзида ажратилади.

4. Давлат бюджетидан маблағлар Марказларнинг 2008 йилдан кечикмай ўзи-ни ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга эришган ҳолда маблағларни босқичма-босқич қисқартишини ҳисобга олиб ажратилади.

5. Молия муассасаларининг кредит маблағларини Марказнинг мол-мулкини гаровга қўйган ҳолда жалб этиш кредит лойиҳасининг техник иқтисодий асослаш-лари фақат Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси билан келишгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

6. Марказлар давлат бюджетига барча турдаги солиқлар ва ўз эҳтиёjlари учун келтириладиган тиббий ускуналар ва анжомлар, доривор воситалар ва тиббиёт буюм-лари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилиши муносабати билан шаклланадиган даромадларининг ҳисо-бини, кейинчалик уларни ҳар чоракда банкдаги алоҳида ҳисоб рақамида жамлаган ҳолда алоҳида юритадилар.

II. Марказнинг ўз даромадларидан фойдаланиш тартиби

7. Марказларнинг мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган манбалардан жалб қилинган ўз даромадлари Марказларнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида-ги бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамларига ўtkазилади ҳамда:

Марказларнинг жорий таъминотига;

Марказларни ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкам-лаш, уларни энг замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари, тиббий анжом-лар билан жихозлаш тадбирларига;

Марказлар шифокорлари ва тиббий ходимларининг bemорларни даволашга қўшган ҳиссаларига мувофиқ улар меҳнатини моддий рафбатлантиришга, шунинг-дек ижтимоий ривожлантиришга;

Марказлар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлашга ва уларнинг мала-касини оширишга;

пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлар, товарлар ва ишларни бажариш ва сотиш бўйича жами харажатларни қоплашга;

мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

Марказлар фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадларга фойдала-нилади.

8. Марказларнинг тўлов муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган тақдирда, Марказларнинг ўз даромадлари (товарлар, ишлар ва хизматларни бажа-риш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрнини тўлдиргандан кейин) мавжуд кар-зларни тўлашга сарфланади.

9. Агар кредиторлик қарзлар имтиёзли тоифага киравчи шахсларнинг белги-ланган режадаги сони учун тасдиқланган бюджет ажратмалари лимитидан кўпроқ сарфлар билан тиббий хизмат кўрсатиш сабабли юзага келган тақдирда, бюджет-дан ташқари маблағлар (товарлар, ишлар ва хизматларни бажариш ва сотиш бўйи-

ча харажатлар ўрнини тўлдиргандан кейин) кредиторлик қарзларни тўлашга давлат бюджети маблағларидан қопламаган ҳолда йўналтирилади.

10. Юридик ва жисмоний шахслардан Марказ томонидан олинган пул ва бошка шаклдаги беғараз ёрдам маблағлари уларнинг моддий-техник базасини мустахкамлашга сарфланади.

11. Давлат бюджетига барча турдаги солиқлар ва ўз эҳтиёжлари учун келтириладиган тиббий ускуналар ва асбоблар, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари) тўлашдан озод этилиши муносабати билан шаклланадиган даромадлари:

Марказларни даволаш ва ташхис қўйиш ускуналари, тиббий асбоблар билан жиҳозланиш нормативлари асосида тўлиқ жиҳозлаш;

Марказларнинг тиббий ходимларини, шу жумладан чет элларда, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун сарфланади.

12. Банклар кредитлари Марказ томонидан факат инвестиция мақсадлари учун Марказнинг даромадлари ҳисобига 7 йилдан кўп бўлмаган муддатда уларни қайта-риш шарти билан жалб қилиниши мумкин.

III. Марказларни бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш тартиби

13. Марказларни Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш мақсадида, Марказлар томонидан кейинги молиявий йил учун бюджет ажратмаларини олиш учун қўйидагилардан келиб чиқсан ҳолда, белгиланган тартибда буюртманомалар тузилади:

маслаҳат поликлиникаларининг мавжуд ўринлари, уларнинг айланиб туриши ва қабул қилиш кувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бепул асосда, юкори мала-кали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага киравчига шахсларнинг белгиланган режадаги сони;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўими-таси билан келишган ҳолда белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича тиббий ёрдамнинг мураккаб, юкори технологияли (қиммат турадиган) турлари кўрсатиладиган имтиёзли тоифага киравчи шахсларнинг белгиланган режадаги сони;

битта беморни стационар ва алоҳида амбулатория шароитида, бепул асосда имтиёзли тоифага киравчи шахсларни ҳам, даволашнинг имтиёзли тарифлари бўйича даволанган шахсларни ҳам даволашга ҳисобланган ўртacha харажатлар ставкаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Марказни даволаш ва ташхис қўйиш ускуналари, тиббий асбоблар билан жиҳозланиш нормативларига мувофиқ тўлиқ жиҳозлаш учун инвестиция харажатларининг техник-иктисодий асослашлари;

Марказларни мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга ошириш учун техник-иктисодий ҳисоб-китоблар.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Марказлар томонидан бюджет буюртманомалари жорий йилнинг 1 июнидан кечикмасдан тақдим этилади, Вазирлик республика бюджетидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг бюджет буюртманомалари кўриб чиқилган ва умумлаштирилгандан кейин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Марказлар бўйича харажатларни алоҳида параграф билан ажратган ҳолда, жорий йилнинг 1 июнидан кечикмасдан йифма бюджет буюртманомаларини тақдим этади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги навбатдаги молиявий йил учун давлат бюджети параметрлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бюджет ажратмалари ҳажмини, Марказлар учун алоҳида сатрда ҳар бир Марказга тақсимланган ҳолда етказади.

16. Марказларнинг навбатдаги молиявий йил учун харажатлар сметаси Марказлар томонидан ишлаб чиқилади, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади ва Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган бюджет буюртманомаларига мувофиқ ҳамда навбатдаги молиявий йил учун тасдиқланган давлат параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлат бюджети маблағлари Марказларни молиялаштириш учун ҳар ойда йиллик бюджет суммасининг 1/12 микдорида, бошқа харажатлар таркибида (хизмат кўрсатувчи тижорат банкларидағи маҳсус бюджет ҳисоб ракамларига ўтказган ҳолда) харажат моддалари бўйича бўлмасдан:

имтиёзли тоифага кирувчи bemorlarغا юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни қоплашга;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга юкори технологияли ихтисослаштирилган (қиммат турадиган) тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича Марказларнинг харажатларини қоплашга ажратилади.

Бюджет ажратмаларининг ушбу турлари, ўз харажатларини ўзи қоплашга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтайдиганда уларнинг даромадларига кейинчалик киритган ҳолда, Марказларнинг хўжалик фаолиятидан тушган ўз маблағлари деб ҳисобга олинади.

18. Марказлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази билан тузилган контрактларга мувофиқ олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришга грантлар тарзида бюджет маблағлари олиш хукуқига эгадир.

19. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳамда Марказларни мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашни амалга оширишга, шунингдек замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва техникалар билан жиҳозлашга ҳар йилги инвестиция дастурлари доирасида Марказларга бюджет ажратмалари ажратилиши мумкин.

20. Ҳисобот йили охиридаги фойдаланилмаган бюджет маблағлари суммаси кейинги молиявий йилга ўтади ва улардан белгиланган тартибда фойдаланилади.

IV. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш

21. Марказлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

пулли асосда ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилган тиббий ёрдам учун даромадлар ва харажатлар бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига зарур смета-молия ҳужжатларини тақдим этадилар;

хужжатларнинг сақланиши ва уларнинг келишилган рўйхатга мувофиқ давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб берадилар.

22. Марказлар битта bemорни стационар ва алоҳида амбулатория шароитида даволаш, бепул асосда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ҳам, пулли асосда даволанган шахсларни ҳам даволашга, шунингдек даволашнинг имтиёзли тарифлари бўйича юқори технологияли, ихтисослаштирилган (қиммат турадиган) тиббий ёрдам кўрсатиш турлари бўйича харажатларнинг алоҳида хисобини юритадилар.

23. Марказларнинг даромадларини шакллантириш ва уларни мақсадли сарфлашнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополияядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

266 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органдари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонига мувофиқ ҳамда доннинг сифатини, сақланишини, дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Кўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

дон этиштириш, донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилишини, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобуд бўлишини қисқартириш таъминланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига, шунингдек қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш методларига риоя қилинишини мунтазам назорат қилиб бориш;

дон этиштирувчиларга ва донни сақлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарига донни ўриб-йиғиб олиш, тозалаш, қуритиш, ишлов бериш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашга оид норматив-хужжатларни, илгор технологияларни жорий этиш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

2. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тўғрисидаги Низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инс-

пекцияси ходимларининг чекланган умумий сони 81 нафар, шу жумладан бошқа-
рув ходимлари сони 39 нафар, улардан марказий аппаратда тегишли равишида 11
ва 8 нафардан иборат этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспек-
цияси бошлиғига зарурат бўлганда «Ўздавдонинспекция» тузилмасига ходимларнинг
белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорла-
рига ўзгартиришлар киритилсин.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-
сининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 8 июнь,
269-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 8 июндаги 269-сон карорига
1-ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон
инспекциясининг ташкилий тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 81 киши, шу жумладан бош қарув ходимлари – 39 киши (улардан марказий аппаратда – 8 киши ва ҳудудий бўлинмаларда – 31 киши).

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 8 июндаги 269-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат дон инспекцияси марказий аппаратининг тузилмаси**



Марказий аппарат ходимларининг чекланган умумий сони — 11 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 8 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 8 июндаги 269-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат дон инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси («Ўздавдонинспекция») дон, мойли экинлар, уларнинг уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, қўшимча маҳсулотлар, чиқиндилар, омухта озуқаларнинг (кейинги ўринларда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари деб аталади) давлат ресурсининг сифати, сақланиши ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат назорати соҳасида маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тизимига ҳудудий бўлинмалар, марказий ва миңтақавий лабораториялар киради.

Худудий бўлинмалар, марказий ва минтақавий лабораториялар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита «Ўздавдонинспекция»га ҳисоб беришади.

3. «Ўздавдонинспекция» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

4. «Ўздавдонинспекция» ва унинг худудий бўлинмалари давлат бошқаруви бошқа органлари, хукуқни муҳофаза килиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласдилар.

5. «Ўздавдонинспекция», унинг худудий бўлинмалари, марказий ва минтақавий лабораторияларининг моддий-техника таъминоти, шунингдек инспекция тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш «Ўздавдонинспекция»га ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ҳамда хўжалик фаолиятидан олинадиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ўздавдонинспекция» юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Инспекциянинг вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар «Ўздавдонинспекция»нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

дон етишириш, донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобуд бўлишини қисқартириш таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига норматив-техник хужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига, шунингдек қабул қилиш, саклаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш методларига риоя қилинишини мунтазам назоратни қилиб бориш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини ошириш масалалари бўйича давлат сиёсатини шакллантириш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

дон етиширувчиларга ва донни сақлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарига донни ўриб-йиғиб олиш, тозалаш, қуритиш, ишлов бериш, қабул қилиш, саклаш ва қайта ишлашга оид норматив-техник хужжатларни, илгор технологияларни жорий этиш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

8. «Ўздавдонинспекция» ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати, сақланиши, улардан оқилона фойдаланилиши, уларни жойлаштириш, ишлаб тайёрлаш, қайта ишлаш, сотишнинг зарур тартибига риоя қилиниши, уларни миқдори ва сифати бўйича ҳисобга олишнинг тўғрилиги, дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан фойдаланувчи корхоналарда уларни сақлашда табиий нобуд бўлиш нормалари қўлланишининг асосланганлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

республика ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўладиган баҳсли холларда, шунингдек экспорт-импорт операцияларида ўз ваколатлари доирасида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати бўйича синовлар ўтказади ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган хуносалар беради.

«Ўздавдонинспекция»нинг дон маҳсулотлари сифати бўйича хуносаси узил-кесил хисобланади;

Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан озиқ-овқат балансларини тузишда катнашади, харид қилиш мўлжалланаётган дон сифати бўйича, шу жумладан импорт бўйича, шунингдек уни экспорт қилишда, таклифлар киритади;

давлат ресурсларидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг доннинг сифати, сақланиши ва ундан оқилона фойдаланилиши масалалари бўйича хисоботларини эшитади;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати, сақланиши, улардан оқилона фойдаланиш, уларнинг хисобини юритиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнларни амалга ошириш, шу жумладан ташиб ва сақлаш вақтида уларнинг табиий нобуд бўлиши нормаларини аниқлаш масалалари бўйича норматив-техник хужжатларни ишлаб чиқади, белгиланган тартибда тасдиқлайди ва келишиб олади;

бош давлат дон инспекторлари иш тартибини тартибга солувчи текшириш коидаларини, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати тўғрисидаги сертификатлар шаклини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш давлат дастурларини тайёрлашда қатнашади;

давлат ресурсидаги дон сифатининг ёмонлашиши, нобуд бўлиши ҳоллари ва сабабларини аниқлайди, зарурат бўлганда уларни бартараф этиш бўйича ёзма бўйруклар беради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат хокимияти органларини дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари давлат ресурсининг сақланиши ва улардан фойдаланиш ишларининг ахволи тўғрисида хабардор қиласди;

харид қилишда, экспорт-импорт операцияларида, республика ичida ташибда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини давлат томонидан мажбурий назорат қилишни амалга оширади;

дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналари билан биргаликда давлат ресурсларига харид қилинадиган янги ҳосил дони сифатини ҳар йили текширувдан ўтказади, унинг технологик тавсифларини таҳлил қиласди.

9. «Ўздавдонинспекция» ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, сақловчи, қайта ишловчи ва давлат ресурсларига сотувчи корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда текшириш;

текширилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг текшириш билан боғлиқ масалалар бўйича хужжатлари билан танишиш;

ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар учун бажариш мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш, белгиланган тартибда маъмурий жазолар белгилаш, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш, қабул қилиб олиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш қоидаларининг аниқ-

ланган бузилишларини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида ёзма буйруклар бериш;

корхоналардан дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари намунасини белгиланган тартибда олиш, текширишлар ўтказиш учун уларнинг лабораторияларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда текшириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун корхоналар мутахассисларини жалб қилиш, зарурат бўлганда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари намуналарини кўшимча тадқик қилиш учун тегишли лабораторияларга жўнатиш;

зарурат бўлганда дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналарида давлат ресурсларига мўлжалланган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг келтирилаётган ва автомобиль ҳамда темир йўл транспортида юклаб жўнатилаётган партияларини, шунингдек давлат ресурсларидаги донни тарозида қайта тортиб кўриш;

дон ва маҳсулотлар колдиклари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги асосли равишда шубҳа туғдирган ҳолларда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари давлат ресурслари қолдиқларини тарозида қайта тортиб кўрган ёки стандарт масса бўйича қопларга жойлаштирилган маҳсулотни қайта ҳисоблаб чиқкан ҳолда навбатдан ташқари хатловдан ўтказишини тайинлаш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини саклаш учун яроқсиз бўлган омборларга жойлаштиришни тақиқлаш, технология ва санитария тартибларининг қўпол равишда бузилиши аниқланган ҳолларда айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар ва корхоналар ишини, шунингдек норматив ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган мақсадда сотишни ушбу тартиб бузилишлари бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш;

хўжалик юритувчи субъектларга, бирлашмаларга ва бошқа товар ишлаб чиқарувчиларга шартнома асосида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш бўйича хизматлар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа турдаги хизматлар кўrsatiш.

«Ўздавдонинспекция» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. «Ўздавдонинспекция» ўзига юклangan вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

«Ўздавдонинспекция» ва худудий бўлинмалар мансабдор шахсларининг маъмурӣ жазо чораларини қўлланиш бўйича хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12. «Ўздавдонинспекция» ва унинг худудий бўлинмалари мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганлиги, шунингдек текширилаётган корхона ва ташкилотларнинг давлат ва тижорат сирларини ошкор этганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида жавоб берадилар.

IV. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

13. «Ўздавдонинспекция»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради.

«Ўздавдонинспекция» бошлигининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринbosари бўлади.

«Ўздавдонинспекция» бошлиғи мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринbosарига, бошлиқ ўринbosари — вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

«Ўздавдонинспекция» марказий лабораторияси мудири бевосита Давлат дон инспекцияси бошлиғига бўйсунади.

Минтақавий лабораториялар мудирлари ўз жорий ишларини жойлашган жойидаги ҳудудий бўлинма бош давлат инспектори раҳбарлигида ва марказий лабораториянинг методик ёрдамида амалга оширади.

14. «Ўздавдонинспекция» бошлиғи:

«Ўздавдонинспекция» фаолиятига умумий раҳбарликни якка бошчилик асосида амалга оширади ҳамда «Ўздавдонинспекция»га юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

«Ўздавдонинспекция» марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида штатлар жадвалини, шунингдек «Ўздавдонинспекция» марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар харажатлари сметасини тасдиқлади;

«Ўздавдонинспекция»нинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлади;

«Ўздавдонинспекция» марказий аппарати ходимларини, «Ўздавдонинспекция»нинг ҳудудий бўлинмалари, марказий ва минтақавий лабораториялари раҳбарлари ҳамда ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлади ва лавозимдан озод қиласди.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Ҳудудий бўлинмалар ўз фаолиятини «Ўздавдонинспекция» томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширадилар.

16. «Ўздавдонинспекция»ни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 8 июндаги 269-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат дон инспекциясини ташкил қилиш тўғрисида» 1996 йил 4 ноябрдаги 377-сон қарорининг 2, 3-бандлари, 4-бандининг биринчи ва иккинчи хатбоши, 5, 6 ва 11-бандлари, шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар хисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқноманинг тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 20 мартағи 137-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 20 мартағи 137-сон қарори билан тасдиқланган Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар хисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқноманинг 1-бандига куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсан:

«Ушбу Йўриқноманинг амал қилиши давлат ресурсидаги дон маҳсулотлари ва улуш қўшиш тарзидаги дон билан операцияларни амалга оширувчи корхоналарга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга татбиқ этилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

267 Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда маданият ва санъатни ҳар томонлама сақлаш ва янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда Маданият ишлари вазирлигининг ролини ошириш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Кўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маданият соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавият, анъаналар ва урф-одатлар, халқимизнинг бой маданий меросини миллий мустақиллик фоялари асосида тиклаш ва янада ривожлантириш;

миллий мустақиллик фоялари, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиқсан холда республика ахолиси ўртасида маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, фуқароларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини кенг тарғиб қилиш;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ижодий жамоаларга халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизни эркин демократик ривожлантиришни акс эттирувчи асарлар яратишида ҳар томонлама кўмаклашиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларини чуқур фоявий мазмун билан бойишини таъминлаш, республика ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш;

маданий мерос обьектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишини, шунингдек маданий бойликларнинг четдан келтирилишини ва четга олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, кишиларни ўзининг умуттаълим ва маданий савиясини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарига эришириш бўйича ишларни ташкил этиш;

кутубхоналар, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маънавий бой, интеллектуал ривожланган ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишидаги имкониятларидан энг кўп ва самарали фойдаланиш;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъодини тўлиқ намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

2. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси 1, 2-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият ишлари бошқармаларининг намунавий тузилмаси ҳамда улар ходимларининг чекланган сони 3, За, 4-иловаларга мувофик;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тўғрисидаги Низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 38 нафар, шу жумладан бошкарув ходимлари сони 30 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирига ходимларининг чекланган умумий сони ва унинг таъминоти харажатлари сметаси доирасида марказий аппарат тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 9 июнь,
272-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
2-ИЛОВА


Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Изоҳ: Ходимларнинг чекланган умумий сони — 38 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 30 киши.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари
вазирлигининг тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
За-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари
бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



*Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Маданият ишлари худудий органлари ходимларининг
чекланган сони**

Т/ р	Худудлар	Ходимлар- нинг чекланган умумий сони	шу жумладан бошқарув ходимлари сони	
			Қорақалпогистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари	Туман (шаҳар) маданият ишлари бўлимлари
1.	Қорақалпогистон Республикаси	28	8	18
2.	Андижон вилояти	25	5	18
3.	Бухоро вилояти	25	8	15
4.	Жиззах вилояти	20	6	13
5.	Кашқадарё вилояти	21	6	14
6.	Навоий вилояти	17	5	11
7.	Наманганд вилояти	19	5	13
8.	Самарқанд вилояти	29	8	18
9.	Сирдарё вилояти	18	5	12
10.	Сурхондарё вилояти	24	7	15
11.	Тошкент вилояти	28	6	20
12.	Фарғона вилояти	26	5	19
13.	Хоразм вилояти	22	8	12
14.	Тошкент шаҳри	25	11	11
Жами:		327	93	209

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари
вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги (кейинги ўринларда
Вазирлик деб аталади) давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига ҳисоб
беради.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун-
ларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжат-
ларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фар-
мойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва
фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласи.

3. Вазирлик тизимиға Қорақалпогистон Республикаси Маданият ишлари вазир-
лиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият ишлари бошқармалари, туман (ша-
ҳар) маданият ишлари бўлимлари, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлаш-
маси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекдавлатцирки» республика бир-

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

лашмаси, «Ўзбекмузей» республика жамғармаси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Республика методика ва ахборот маркази, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Республика музейлари, «Саҳнадаги цирк» кўчма корхоналар дирекцияси, Академик, халқ ва бадиий жамоалар дирекцияси, «Гулистон», «Театр», «Мозийдан садо» журналлари таҳририятлари, Бадиий экспертиза бошқармаси, Марказлаштирилган бухгалтерия, Оркестрлар (симфоник оркестр, камер оркестири, халқ чолғу асбоблари оркестри), Ижодкор ёшлар уйи, Вазирликка карашли бошқа маданият ва таълим муассасалари киради.

Вазирликнинг худудий бошқармалари ва бўлимлари икки томонлама бўйсунадилар ҳамда Вазирликка ва маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органига ҳисоб беришади.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик, унинг худудий бошқармалари ва бўлимлари, Вазирлик тизимиға кирувчи бошқа ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағари, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Вазирлик, унинг худудий бошқармалари ва бўлимлари, Вазирлик тизимиға кирувчи бошқа ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар Маданият ишлари вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

маданият соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавият, анъаналар ва урф-одатлар, халқимизнинг бой маданий меросини миллий мустақиллик фоялари асосида тиклаш ва янада ривожлантириш;

миллий мустақиллик фоялари, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиқкан ҳолда республика ахолиси ўртасида маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, фуқароларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, профессионал, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини кенг тарғиб қилиш;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ижодий жамоаларга халқимиз тарихининг энг ёркин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатимизни эркин демократик ривожлантиришни акс эттирувчи асарлар яратишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларини чукур ғоявий мазмун билан бойитишини таъминлаш, республика ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликни ўйлга қўйиш, давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланилишини, шунингдек маданий бойликларнинг четдан келтирилишини ва четга олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, кишиларни ўзининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни мил-

лий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарига эриштириш бўйича ишларни ташкил этиш;

кутубхоналар, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маънавий бой, интеллектуал ривожланган ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишидаги имкониятларидан энг кўп ва самарали фойдаланиш;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъодини тўлиқ намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

8. Вазирлик ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маданият соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ваколатига таалукли масалалар бўйича конун хужжатларига риоя қилиш мониторингини олиб боради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиши учун белгилangan тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

маданий ҳамкорлик бўйича ҳалқаро лойиҳаларни ишлаб чиқади ва қабул қилинган ҳалқаро битимларнинг бажарилишини таъминлайди;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва ҳалқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди, ижодий жамоаларга ҳалқимиз тарихининг энг ёрқин сахифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишда ҳар томонлама ёрдам беради;

кадрларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини, кишиларни ўзининг умумтаълим ва маданий савиасини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни миллий, жаҳон маданияти ва санъатининг энг яхши намуналарига эриштириш бўйича ишларни амалга ошириши ташкил киласди;

музейларда миллий мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бўлган, ўзбек ҳалқининг бой маданий меросини, унинг инсоният тарихидаги роли ва аҳамиятини, унинг ривожланиш босқичларини ҳаққоний акс эттирувчи экспозицияларнинг ташкил этилишини, шунингдек замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганишни, музейшунослик, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини юритиш бўйича умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлайди;

республика аҳолисини Ўзбекистон ҳалқлари тарихи тўғрисида хабардор қилувчи чет элларда сақланаётган буюмлар, шунингдек мамлакатимиз музейларида на мойиш қилинаётган ноёб экспонатлар билан кенг таништириш воситасида кишиларда умуминсоний қадриятларни, бой миллий маданий меросни хурмат қилиш ва эътироф этиш туйғусини тарбиялашга кўмаклашади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конун хужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, қўриқлаш, тарбиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида қатнашади;

маданий мерос объектларини жорий этиш, консервация ва реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

маданий мерос объектларини аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза қилиш, тарбиб этиш ва улардан фойдаланишини таъминлайди;

маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритади, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказиши ташкил қиласи ва амалга оширади;

маданий қийматга эга бўлган буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда классификациясини аниқлайди;

маданий бойликларнинг четга олиб чиқиб кетилиши, вақтинчалик олиб чиқиб кетилиши тўғрисида карорлар қабул қиласи;

четга олиб чиқиб кетиладиган ва четдан олиб келинадиган, шунингдек вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган ва вақтинчалик олиб келинадиган маданий бойликларни рўйхатдан ўтказади;

четга олиб чиқиб кетиладиган, вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган, шунингдек олиб чиқиб кетилгандан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

маданий бойликларни четга олиб чиқиб кетиш ва вақтинчалик олиб чиқиб кетиш хукуқига сертификатлар беради;

тутиб қолинган ёки қонун хужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинган маданий бойликларни тегишли давлат органларидан қабул қилиб олади, уларни экспертизадан ўтказади ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Вазирлик тизимида кирувчи ташкилотларнинг жамоалари ва солистларининг гастроль-концерт фаолиятини, шу жумладан чет эллардаги гастроль-концерт фаолиятини ташкил қиласи;

республикада ва хорижий мамлакатларда фестиваллар, кўрик-танловлар, профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати кўргазмалари ўтказиши ташкил қиласи;

Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгashi билан биргаликда республика маданият саройларида, концерт залларида ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ҳамда концерт тадбирларининг мавзуларини, репертуар режалари ва дастурларини такомиллаштиришга доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таникли ижрочиларини ва санъат арбобларини, етакчи мутахассис педагогларини таклиф қиласи;

чет элларда ўқиётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ижодкор ўшларининг республикада ўтказиладиган кўрикларда, танловларда ва фестивалларда қатнашишини таъминлайди;

иктидорли ўшларнинг ижодий сафарларини ташкил қиласи ҳамда уларнинг халқаро миқёсда ва республика миқёсида санъат соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа анжуманларда иштирок этишини таъминлайди;

культуруологияни, театршуносликни, санъатшуносликни, мусиқашуносликни ва мазкур соҳадаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий ўкув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради.

9. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг худудий бошқармалари ва бўлимлари ҳамда ўзига қарашли бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

III. Вазирликнинг хукуқ ва мажбуриятлари

10. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги хукуқларга эга:

маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли тегишли ахборотларни вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан олиш;

Вазирлик тизимиға кирувчи театр-томуша ташкилотлари, маданий-маърифий ва таълим муассасаларини жиҳозлаш учун зарур бўлган ёритиш ва овоз кучайтириш асбоб-ускуналарини, мусиқа асблорини, бошқа зарур жиҳозларни сотиб олиш;

музей фондларини ва асарлар кўргазмаларини тўлдириш учун тарихий-бадиий қимматга эга бўлган материалларни, тасвирий ва декоратив-амалий санъати, кино асарларини, ноёб қадимий раритетларни, шунингдек саҳна ва мусиқа асарларини, кўшиқларни аниқлаш ва сотиб олиш, музейлар фондларидағи экспонатларнинг ягона каталогини нашр этиш;

республикада ўтказиладиган халқаро танловлар, кўриклар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун хорижий жамоаларни ва алоҳида ижрочиларни таклиф этиш;

маданият муассасалари бадиий ҳаваскорлик жамоаларига «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» фаҳрий унвонини бериш;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлик тизимиға кирувчи ташкилотлар тоифаларини ўзгартириш;

маданият соҳасидаги иқтидорли ёшлар вакилларини аниқлаш, уларни чет элларга ўқишига юбориш;

Вазирлик тизимиға кирувчи ўқув юртларида, таълим муассасаларида дарс бериш, шунингдек мастер-класслар ўтказиш учун юкори малакали профессорлар ва ўқитувчиларни, республикамизнинг ва чет эллардаги таникли санъат арбобларини шартнома асосида таклиф этиш;

энг иқтидорли санъат арбоблари, алоҳида фидокорлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён қилган маданият соҳаси ходимлари номзодларини мукофотлашга тақдим этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур холларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

12. Вазирлик маданият соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилиши ва ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

13. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилик қилади.

Вазирнинг уч нафар ўринbosари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринbosари бўлади.

14. Вазир:

Вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик тизимида кирувчи ташкилотлар ва муассасалар харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар ва бўлимлар, Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Вазирликда 7 киши — Вазир (раис), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазир тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, Вазирлик тизимида кирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг хисоботларини эшитади, Вазирликнинг мухим бўйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг бўйруқлари билан амалга оширилади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини билан келишилган ҳолда тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Туман (шаҳар) маданият ишлари бўлимлари ўз фаолиятини туман (шаҳар) ҳокимларини билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари раҳбарлари тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Вазир томонидан тайинланади.

Туман (шаҳар) маданият ишлари бўлимлари мудирлари тегишли туман (шаҳар) ҳокимларини тақдимномасига биноан тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ишлари бошқармалари бошлиқлари томонидан тайинланади.

17. Маданият ишлари вазирлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 9 июндаги 272-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг тузилмаси ва фаолиятини таомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 27 апрелдаги 207-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 30 июнданги 305-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 23 мартағи 131-сон қарорининг 6-банди ва ушбу қарорга З-илова (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 3-сон, 15-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 29 июлданги 269-сон қарорига 5-илованинг II бўлими (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 7-сон, 45-модда).

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

268 Давлат эҳтиёжлар учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайта-риш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
4 июнда 653-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 14 июндан кучга киради)

Фалла, ун ва шоли сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан 1999 йил 8 февралдаги 10-01, 111-В-сон билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлар учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайта-риш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушаётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига (1999 йил 8 февраль, рўйхат рақами 653-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 апрель,
111-В-3-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 28 апрель,
56-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
 ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 «ОЛМАЛИҚ КМК» ОАЖ
 «ЎЗИККИЛАМЧИРАНГЛИМЕТАЛЛ» ОАЖ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ АШЁ БИРЖАСИННИНГ
 ҚАРОРИ

269 Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғриси- даги вақтингчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
4 июнда 1367-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 14 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
 2004 йил 29 март,
 24-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
 2004 йил 29 март,
 01/24-15-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
 2004 йил 29 март,
 53-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

«Олмалиқ КМК» ОАЖ Бошқаруви раиси К. САНАҚУЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 март,
948-сон

«Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ Бошқаруви раиси Д. БОБОХОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 март,
283-01-сон

**Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси Бошқаруви
раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 29 март,
42-01 / 142-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИННИНГ
ҚАРОРИ**

**270 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл
валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
4 июнда 1165-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 14 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 12 август, рўйхат рақами 1165-сон — Меърий хужжатлар ахбортономаси, 2002 й., 15-16-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 апрель,
222-B-1-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 14 апрель,
69-сон

Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 апрель,
2004-32-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЁҒ-МОЙ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ УЮШМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМ АШЁ БИРЖАСИНинг
ҚАРОРИ

**271 Кимошли савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва
пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисида-
ги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
7 июнда 1368-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 17 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сон қарорига мувофиқ қарор қиласиз:

1. «Кимошли савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва пахта чигити шелухаси-

ни сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 май,
32-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 май,
01/24-30-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 май,
61-сон

**Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси Бошқаруви
раиси М. ХУДОЁРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 6 май,
4-1-167-сон

**Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси
Бошқаруви раиси Т. ТОХТАБАЕВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 6 май,
42-01/245-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2004 йил 29 майдан 10 июнгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Давлат эҳтиёжлар учун харид қилинадиган фалла ва гуруч-шолига Жамғарма томонидан аванс бериш ва хисоб-китоб қилиш учун ажратиладиган маблағларни қайтариш учун дон маҳсулотлари корхоналарининг фалла, ун ва гуруч-шолини сотишдан тушётган маблағларини аккумуляция қилиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 28 апрелдаги 111-В-3, 56-сон қарори.

2004 йил 4 июнда 653-З-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 14 июндан кучга киради).

2. «Кимошди савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиши тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг 2004 йил 29 мартағи 24, 01/24-15, 53, 948, 283-01, 42-01 / 142-сон қарори.

2004 йил 4 июнда 1367-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 14 июндан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 17 апрелдаги 222-В-1, 69, 2004-32-сон қарори.

2004 йил 4 июнда 1165-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 14 июндан кучга киради).

4. «Кимошди савдоларида пахта шроти (кунжара)ни ва пахта чигити шелухасини сотиши тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ёғмойтамакисаноат» ўюшмаси, Ўзбекистон республика товар хом ашё биржасининг 2004 йил 6 майдаги 32, 01/24-30, 61, 4-1-167, 42-01 / 245-сон қарори.

2004 йил 7 июнда 1368-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 17 июндан кучга киради).

